RESPUBLIKA MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

POSTDA

O'zbekiston Respublikasi IIV nashri

2010-yil — Aprel

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan • E-mail:urmvd@inbox.uz • №17(3858)

24 апрель – Халқаро ёшлар бирдамлиги куни

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИГА СОДИҚМИЗ

Юртимиз келажаги, эртанги кунимиз давомчилари бўлган ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук, баркамол инсон этиб вояга етказиш бугунги кунда долзарб вазифалардан биридир. Негаки, миллат тараққиёти, Ватан равнақининг янада юксалиши мустақиллигимиз абадийлиги ана шу ёшлар қўлида экан, уларнинг билим савияси, онгу тафаккури, жисмонан ва руҳан чиниққанлиги муҳим аҳамият касб этади.

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг улар учун яратилган шарт-шароитлар, спорт мажмуалари, замонавий ўқув даргоҳларини кўриб ҳавасингиз келади. Баркамол авлод йили муносабати билан бу борадаги ишлар янада қизғин тус олди. Биргина «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан Хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш ва «Маҳалла» хайрия жамғармалари ҳамкорлигида талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

– Ҳаракат томонидан бугунги кунда ёшларни янги ташаббуслар билан чиқиш, эркин фикрлашга ўргатиш, уларнинг ташаббусларини амалга татбиқ этиш, ижодий ва ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган лойиҳалар олиб борилаяпти, – дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши бўлим бошлиғи Тўхтасин Арслонов. – Шу пайтгача Марказий кенгаш ва жойлардаги бўлимларимиз томонидан кўплаб учрашувлар, давра суҳбатлари, байрам дастурлари ва бошқа тадбирлар ўзлуксиз ўтказиб келинаяпти. Жумладан, ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда ИИБ профилактик ҳисобида турувчи вояга етмаганлар билан мунтазам равишда тарбиявий ишларни амалга оширишда туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги узвий ҳамкорлик тажрибаси кенг қўлланмоқда.

Жойларда ўқишга ҳамда касб-ҳунарга жалб этилмаган ёшлар қатламларини қамраб олишга қаратилган чора-тадбирлар, «Мақсад бир, ғоя бир, Ватан ягона», «Ёшлар бирлашса, миллат бирлашар» шиорлари остида оммавий тадбирлар, фестиваллар, спорт тадбирлари ташкил қилинган. Бундан ташқари, айрим ўсмирларнинг дарсларни қолдириб масжидларга қатнашининг олдини олиш мақсадида малакали педагоглар ёки «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилот етакчилари масжидга бириктириб қўйилганлиги айни муддао бўлмоқда. Негаки, ҳали дунёвий илмга эга бўлмаган, йўл бошида турган ёшларнинг дарс қолдириши уларнинг онгида бўшлиқни пайдо қилади. Табиийки, етарли билимга эга бўлмаган, дунёқараши тор ўсмирнинг онгини турфа хил ўйлар заҳарлаши мумкин. Айниқса, барча ўқув юртлари, лицей ва мактабларда, ёшларни турли зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолишларидан, гиёҳвандлик балосига йўлиқишидан, ОИТС ва унинг фожиаларидан сақлаш мақсадида «Терроризм – тараққиёт душмани», «Гиёҳвандлик – аср вабоси», «Биз ОИТСга қаршимиз» деб номланган давра суҳбатлари, учрашувлар мунтазам ўтказилаётир. Ҳуқуқий билимларини оширишда муҳим бўлган «Сиз қонунни биласизми?», «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?», тарихни ўрганиш мақсадида «Аждодлар мероси – келажак пойдевори» деб номланган кўрик-танловлар эса ёшларнинг онги юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ички ишлар идоралари профилактик ҳисобида турган вояга етмаганлар учун республика миқёсида ҳарбий-спорт оромгоҳлари ташкил этилган. 2009 йил июль-августдан буён фаолият юритаётган ушбу масканни ташкил этишдан мақсад эса вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ва турли экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолиш, гиёҳвандликка чалиниш ҳолларининг олдини олиш, уларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш ва ҳулқи ижобий томонга ўзгарганларини ИИБ профилактик ҳисобидан чиқаришга тавсиянома беришдир.

Бир сўз билан айтганда, ёш авлодни етук, баркамол этиб вояга етказиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш узоқни кўзлаб қилинаётган эзгу ишдир. Зеро, Ватаннинг, юртнинг хизматига муносиб фарзандларгина шай туради. Уни жаҳонга танитади, шуҳратини оширади.

Бу каби умидли ёшлар авлодлар жасоратини давом эттиришига ишонамиз.

Умида БОЛЛИЕВА,
«Постда» мухбири.

Хотира ва қадрлаш куни олдидан

Пойтахтимиздаги Мустақиллик ва эзгулик монументи. Қўлида бир даста гул билан нуроний отахон аста-секин Хотира майдони сари одимлаб боряпти. У Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, мардларча ҳалок бўлган юртдошларимизнинг азиз номи битилган Хотира китобини варақлади. Ўзига таниш бўлган номларни ўқиб, бир хўрсиниб қўйди. Бу кишини ички ишлар идораларида танимаган одам кам. Айниқса, ўтган асрнинг 60-70 йилларида ички ишлар хизматининг энг кўзга кўринган раҳбарларидан бири сифатида республикадан ташқарида ҳам яхши билишган. У Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги генерал-майор Тилла Абдуллаев. Ёши тўқсонни қоралаб қолган отахон Хотира майдонига тез-тез келиб туради.

«БОБОЛАР РУҲИ ҚЎЛЛАСИН»

Отахон Мотамсаро она ҳайкали пойига қўлидаги гулдастани қўйиб, нималардир деб пичирлаб, яна кўзини артди. Кейин она ҳайкалига қараб ўйланиб турди. Ким билади шу тобда меҳрибон онаси кўз ўнгидан ўтаётгандир.

... Машъум уруш бошлаганда Тилла Абдуллаев мактабда ўқитувчилик қиларди. Уни ҳарбий коммиссариатга чақириб, комиссиядан ўтказишаётганда ички ишлар идораларида хизмат қилишга таклиф этишади. Кўпдан бери ички ишлар хизматига киришни мўлжаллаб юрган Тилла Абдуллаев тезда рози бўлади.

Онажониси уни кузатар экан:

– Жон болам, ўзингни эҳтиёт қил, – дея йиғларди.

– Ташвишланманг ойи, душманларнинг додини бериб, қайтиб келаман, – дейди айни кучқувватга тўлган ўғил.

– Жаҳаннамнинг оғзига кетяпсану, ҳазилингни қўймайсан-а ўғлим, – дейди отаси.

Т. Абдуллаев табиатан қувноқ, ҳазил-мутойибани хуш кўргани боис ҳаммани кулдириб, ўзи ҳам юзида табассум билан йўлга чиқади. Дастлаб Тошкентда махсус курсда ўқийди. Уйига хат ёзганида отасининг ҳам урушга кетганини билади. Онажониси бир этак бола билан, бутун рўзғор ташвишини зиммасига олиб, ҳам ўғли, ҳам турмуш ўртоғини урушга жўнатиб роса куймаланиб юргандир.

Махсус тайёргарликдан ўтиб, лейтенант унвонини олган Т. Абдуллаев фронтга жўнайди. Разведкачи сифатида жангга киради. Урушнинг ҳал қилувчи палласи давом этарди. Сталинград учун қашқатқич жанг борарди. Т. Абдуллаев бир неча бор душман томондан муҳим ахборотлар олиб келишда иштирок этади. Энг оғир нуқталарини аниқлашда жасурлик кўрсатади.

Ҳал қилувчи жангда ғолиб келган собиқ иттифоқ армияси энди душманни Европа томон қувиб борарди. Тилла Абдуллаев хизмат қилаётган рота ҳар бир топшириқни пухта олиб борар, фашистларнинг таянч нуқталарини йўқ қилишда давом этарди. У Украина, Молдовани босқинчилардан озод этишда иштирок этади. Уруш қурбонсиз бўлмайди, албатта. Қирғинбарот жангларда кўплаб йигитлар мардларча ҳалок бўлишди. Эрталаб жангга кираётганда юзлаб аскарларни кўрган Тилла Абдуллаев кечки йўқламада саноқли йигитлар қолганига кўп бор гувоҳ бўлган.

(Давоми 4-бетда).

Миннатдорлик

ФИДОЙИ ХОДИМЛАРГА РАҲМАТ!

Мен оддий меҳнаткаш қишлоқ аёлиман. Деҳқон фермер хўжалигимни кенгайтириш мақсадида кредит олиш учун Тошкентга бордим. Аммо соддалигим туфайли икки фирибгар аёлнинг тузоғига илинганимни кеч пайқадим. Улар мени лақиллатиб, кредит расмийлаштириб берамиз деб, 3 млн 300 минг сўмга яқин пулимни олиб кетишди. Жуда кўп сарсонгарчиликлардан сўнг сохта қожатбарорларга берган пулларимнинг қайтмаслигига ишонч ҳосил қилгач, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБга мурожаат этдим. Бу иш билан шуғулланган туман ИИБ тергов бўлими терговчилари, майор И. Норқўзиев ва лейтенант С. Баҳромовларнинг тажрибаси ва фидойилиги боис фирибгарлар тез орада ушланиб, қонун олдида жавоб беришди. Менга етказилган зарар ҳам қопланди.

Ички ишлар идораларида шундай фидойи ходимлар хизмат қилаётганидан мамнунман. Уларнинг ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, осойишталикни сақлаш борасидаги фаолиятларига муваффақият тилайман.

Гулсара БОЙСАРИЕВА.
Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани.

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ:

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИНИНГ ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ЭЪТИРОФИ

Тошкентда Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг ўзбек моделини амалга оширишнинг кенг қўламли самараларини, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари салбий таъсирининг олдини олиш ва иқтисодиётни янада жадал ислоҳ қилиш борасидаги мамлакатимиз тажрибасини ўрганишга бағишланган «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда дунёнинг 46 мамлакатидан 400 нафардан ортиқ давлат ва жамоат арбоблари, бизнесмен ҳамда экспертлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибига кирувчи тузилмалар, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда Ислом тараққиёт банки, ЕврАзЭС каби йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг **«Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)»** мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев ўқиб эшиттирди.

Конференцияда **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов** давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган машҳур беш тамойилга асосланган, жаҳонда ривожланишнинг «ўзбек модели» деб эътироф этилган ислоҳотларнинг изчил ва босқичма-босқич амалга оширилиши, инқирозга қарши пухта ўйланган чораларнинг ўз вақтида қабул қилингани туфайли мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодий ўсиш таъминланганини таъкидлади.

Дунё мамлакатларининг аксарияти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бошидан кечираётган ҳозирги шароитда, яъни бу давлатларда ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражаси кескин пасайиб кетган бир пайтда, Ўзбекистонда истеъмолнинг дастлабки кунларидан амалга ошириб келинаётган стратегия нечоғли узоқни кўзлаб, чуқур ва пухта ишлаб чиқилгани бугун яққол намоён бўлмоқда. Конференция қатнашчилари ўз чиқишларида Президент Ислом Каримовнинг «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» ва «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» мавзуидаги маърузаларида келтирилган қоида ҳамда хулосалар ҳам буни яққол тасдиқлашини алоҳида таъкидладилар.

Конференцияда таъкидландики, **Президентимизнинг «Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари»** китобида баён қилинган ва дунёнинг етакчи иқтисодчилари томонидан кенг эътироф этилган 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури чуқур ва изчил ислоҳотлар сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. 2009 йил май ойида пойтахтимизда ушбу китобни ўрганишга бағишланган йирик халқаро илмий-амалий конференция ҳам бўлиб ўтди. Бюджет, молия-банк ва кредит тизимини, иқтисодиёт реал сектори тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш мақсадида уни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилаш Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурининг асосий йўналишларидандир.

(Давоми 2-бетда).

Учрашув

ФАХРИЙЛАР КУРСАНТЛАР ҲУЗУРИДА

Ёшларни аждодларимиз жасоратига содиқ, ватанпарвар қилиб тарбиялаш «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалардан биридир. Бу борада республика ИИВ Фахрийлар кенгаши томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда бир гуруҳ фахрийлар ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари тингловчилари жисмоний ва жанговар чиниқиш машғулотларида қатнашаётган ўқув-дала майдонида бўлишди.

Учрашув чоғида республика ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор F. Раҳимов йиғилганларга ички ишлар идораларидаги қарийб 60 йиллик хизмат фаолияти ҳақида гапирар экан, шу даврда дуч келган қийинчиликларни қай йўсинда енгиб ўтгани, лейтенантликдан генерал-майор даражасига етгунча эришган ютуқларига тўхталди.

– Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан ИИВ Академиясида ташкил этилган Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларда таълим олаётганингизнинг ўзи катта бахт, – деди F. Раҳимов. – Эзгу мақсад йўлида эгнига хизмат кийимини кийган ҳар бир йигит-қиз Ватани, халқи ва Президентига содиқ бўлиб, халқига сидқидилдан хизмат қилиши лозим. Ўзингизга берилган имкониятдан унумли фойдаланиб, озод ва обод юртнинг ҳақиқий посбонлари бўлишингизга ишончим комил.

Тадбирда ИИВ Фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари, истеъфодаги генерал-майор Э. Норгитов, ИИВ Академияси кафедра бошлиғи, истеъфодаги полковник, профессор Э. Арифжонов ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, тингловчиларга самимий тилак билдирдилар. ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари курсанти Асқар Сотиболдиев курсдошлари номидан сўзга чиқиб зиммаларидаги бурчни шараф билан адо этишларига сўз берди.

Учрашув сўнггида ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари бошлиғи, полковник С. Тангирбердиев кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор учун Ички ишлар вазирлиги раҳбариятига ҳамда ИИВ Фахрийлар кенгашига самимий миннатдорлик изҳор этди.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: *учрашувдан лавҳалар.*

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

Кўрик-танлов

Бугунги кунда хотин-қизлар эркаклар билан бир қаторда Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаш, юртимиз тинчлик-осойишталигини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби оғир ва шарафли хизматни ўташ билан бирга оилада саранжом-сариштали уй бекаси, меҳрибон она, севикли фарзанд ҳамдир. Ички ишлар идораларида хизмат қилаётган хотин-қизларимизнинг амалий кўникмалари ва билимлари, малака ва хизмат самарадорлиги учун зарур бўлган жиҳатлар қаторида дунёқараши, интеллектуал салоҳияти, уй-рўзғор ишларини қай тариқа бажаришларини синаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида «Балли, қизлар!» кўрик-танлови ўтказилди. Унда тўрт нафар ходима: билим юртининг махсус фанлар кафедраси ўқитувчиси, капитан Зуҳра Муракаева, табиий ва техника фанлари кафедраси катта лаборанти Гавҳар Ганеева, илмий-услубий бўлим хизматчиси, сафдор Мария Низамутдинова ва таъминот бўлими хизматчиси Замира Эркиновалар бешта йўналиш бўйича беллашишди.

МАҲОРАТ ВА ИҚТИДОР НАМОЙИШИ

Бошловчилар кўрик-танловнинг моҳияти, мақсади ҳақида йиғилганларни таништиришди. Тадбирнинг биринчи шарти бўйича танлов иштирокчилари мусиқали, шеърий услубда ўзларини таништириб, хизмат вазифалари ҳақида маълумот беришди. Мусобақанинг иккинчи шартида қизларнинг тарих, адабиёт, санъат, география бўйича билимлари синаб кўрилди. «Моҳир қўллар» деб аталган мусобақанинг учинчи шартида қизлар ўз қўллари билан яратган тикув, тўқув ва бошқа ҳунарлари маҳсулини намойиш этишди. Турмушда учрайдиган айрим долзарб муаммолар, тўрмуш-оила масалаларини зукколик, топқирлик ва хушмуомалалик билан ҳал қилиш, умр кушандалари бўлмиш гиёҳвандлик, ОИТС каби иллатларга қарши кураш, уларнинг олдини олишга қаратилган тўртинчи шарт ҳам аёллар томонидан қойилмақом қилиб бажарилди. Охирги эркин танлаш орқали бажариладиган шартда қизлар бир-биридан гўзал ва нафис рақсларни маромига етказиб ижро этдилар. Шартлар орасидаги вақт оралиғида билим юртининг 2-босқич курсантлари, лейтенант М. Мақсудов раҳбарлигидаги ҳарбий оркестр, яккахон хонанда, сержант З. Тўйчиев томонидан ижро этилган саҳна кўринишлари ва дилрабо куй-қўшиқлар йиғилганларнинг олқишларига сазовор бўлди. Ҳакамлар ҳайъати танлов қатнашчиларининг шартларни бажариш бўйича маҳоратларини холисона, адолат мезонлари асосида баҳолаб боришди.

– Бундай тадбирларнинг ўтказилиши ҳар бир ходим ва курсантлар онгига ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг ижодий фаолиятлари, иқтидорларини намойиш этиш учун хизмат қилади, – дейди ҳакамлар ҳайъати раиси, подполковник Ш. Муҳаммадқулов. – Аввало, мен танловда қатнашишга ҳоҳиш билдирган, ўз билим ва иқтидорларини намойиш этиб, бошқаларга ибрат бўлишни ният қилган мана шу тўрт нафар аёлларимизнинг журъатини алоҳида таъкидламоқчиман. Анонсларда иккинчи босқич курсантлари жуда мазмунли ва таъсирчан саҳна кўринишларини тайёрлаб, анча-мунча актёрдан қолишмайдиган даражада маҳорат билан ижро этганларининг ўзингиз гувоҳи бўлдингиз. Буни томошабинларнинг олқишу гулдурос қарсакларидан ҳам билиш қийин эмас.

Кўрик-танловнинг якуний қисмида мусобақа қатнашчиларининг тўплаган баллари эълон қилиниб, ғолиблар аниқланди. Тўпланган баллар бўйича биринчи ўрин З. Эркиновага, иккинчи ўрин З. Муракаевага, учинчи ўрин Г. Ганеевага, тўртинчи ўрин эса М. Низамутдиновага насиб этди.

Ғолибларга совринларни Ўзбекистон Республикаси Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Ё.Сайдуллаев топширди.

– Мен кўп йиллардан буён шу билим даргоҳида ўқитувчи бўлиб ишлайман, – дейди ҳайъат аъзоси, филология фанлари номзоди Р. Бекчанова. – Кўрик-танловнинг кўтаринки руҳда, ёшларнинг ғайрат-шижоатлари билан сермазмун ўтгани ҳаммани беҳад қувонтирди. Курсантларнинг тайёргарлиги, қанчалар масъулият ва ижодий изланишлар билан ёндашгани, яқдиллигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Демак, бундай тадбирлар жамоадаги муҳитни нафақат яхшилайди, балки ўқитувчи ҳамда курсантлар ўртасидаги самимийлик ва ишончни янада мустаҳкамлайди.

Кўрик-танловда биринчи ўринни ўз тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, билими ва иқтидори билан қўлга киритган Замира Эркинованинг мазкур даргоҳда иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай у жамоада ўз ўрни ва обрўйига эга бўлди.

– Мен ушбу даргоҳга келиб янглишмаганимни ҳис қилдим, – дейди мусобақа ғолибаси. – Мусобақада қатнашиш истагини билдирганимда, очиғи ғолиб бўламан деб ўйламагандим. Бундан буён янада масъулият ва иштиёқ билан хизмат қилишга интиламан. Мени қўллаб-қувватлаган барча-барчага миннатдорлик билдираман.

Тадбир сўнгтида сўзга чиққан республика ИИВ Хотин-қизлар кенгаши раисининг ўринбосари, майор Б. Содиқова билим юртида ўтказилаётган ҳар бир тадбир марокли ўтибгина қолмай, моҳиятига кўра катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини, курсантлар ҳаётида ўчмас из қолдириши, уларни янгидан-янги марралар сари етаклаши, иқтидорларини намоён этишга туртки бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хотин-қизлар кенгаши раиси, ўринбосарлари ва аъзолари иштирок этишди.

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

Суратда: *кўрик-танлов ғолиблари.*

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Тадбир

ЭЗГУ АНЪАНАЛАР

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хўжалик бошқармасига қарашли 3/9-сонли болалар боғчасида Наврўз айёмини аҳил оиладек тантана қилиш яхши анъанага айланган. Бу йил ҳам 40 нафардан ошиқ киши ишлайдиган ушбу жамоа анъанага содиқ қолди. Дастурхонга баҳорнинг шоҳ таоми сумалак ва бошқа кўклам таомлари тортилди.

Байрам тадбирига республика ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор F. Раҳимов, ИИВ Бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, полковник З. Неъматов, ИИВ Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ҳ. Жалилова, республика ИИВ тизимидаги тиббиёт муассасалари раҳбар ходимлари ва бошқалар иштирок этдилар.

Шу куни болалар боғчасининг икки ходимаси – Муҳаббат Мамадалиева ва Ҳалима Рамазонова нафақага кузатилди. Муҳаббат опа тарбия муассасаси ташкил этилганидан буён, яъни 35 йил давомида мазкур даргоҳда тарбиячи бўлиб ишлаётган эди. Ҳар икки ходимага ИИВ Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси номидан эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, болалар боғчасининг хўжалик мудираси Раиля Скрипкина ҳам самарали меҳнат фаолияти учун қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

Истеъфодаги генерал-майор F. Раҳимов ва ИИВ Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ҳ. Жалилова ва ИИВ Марказий поликлиникаси бошлиғи, подполковник Ф. Зокировалар тарбия муассасаси жамоасини айём билан табриклаб, нафақага чиқаётганлар шаънига илиқ сўзлар айтишди.

Ўз мухбиримиз.

Меҳр-мурувват

ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилган, хизмат вазифасини ўташ чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлганларни ҳамиша ёдимизда асраш, уларнинг жасоратларини ҳеч қачон ёддан чиқармаслик, муҳтожларга кўмак бериш, йиқилганни суяш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Шунингдек, айни пайтда орамизда, сафимизда соғ-саломат, бардам яшаётган уруш қатнашчиларини, фахрийларимизни қадрлаш ва эъзозлаш, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Навоий вилоятида бўлиб ўтган хайрия концерти ана шу инсоний фазилатларни ўзида мужассам этди.

Навоий вилоятининг Зарафшон ва Навоий шаҳарларида бўлиб ўтган концертларда ижро этилган куй-қўшиқлар томошабинларга хуш кайфият бағишлади.

ИИВ Ашула ва рақс ансамбли томонидан ташкил этилган ушбу концерт дастурларидан тушган маблағнинг бир қисми хайрия сифатида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ва ногирон ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларига берилди.

Тадбирлар аввалида ансамбль раҳбари Учқун Тиллаев Навоий ва Зарафшон шаҳарларида жойлашган Меҳрибонлик уйларига ҳамда Қизилтепа туманида жойлашган 36-махсус мактаб-интернатига рангли телевизор совға қилди.

Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ, лейтенант.

Навоий вилояти.

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ:

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИНИНГ ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Анжуманда мазкур чораларнинг амалга оширилиши кейинги икки йилда тижорат банкларининг жами капиталини икки баравар кўпайтириш имконини бергани қайд этилди. Ушбу банкларда капиталнинг етарлилик даражаси Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баравар ортиқдир. Мамлакатимиз экспортчи корхоналарининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ва барқарор ишлаши натижасида 2009 йилда экспортга маҳсулот етказиб бериш ҳажми ўсди.

Инқирозга қарши чоралар дастурининг 2008 йилдан муваффақиятли амалга оширила бошлаши Ўзбекистон учун, дунёнинг саноқли мамлакатлари қатори, жаҳон инқирозининг салбий оқибатларини камайтириш, иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини, аҳоли фаровонлигининг ўсишини таъминлаш имконини берди. Мисол учун, 2009 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил қилди.

Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шиао Жао ўз нутқида минтақанинг аксарият давлатлари, Ўзбекистондан фарқли ўлароқ, жаҳон иқтисодий инқирозидан жиддий зарар кўрганини таъкидлади. Ўзбекистонда инқирозга қарши ноёб чоралар дастури амалга оширилмоқда. Бу дастур инқирозгача бўлган даврдаги самарали иқтисодий сиёсат, инқироз оқибатлари таъсирини юмшатиш, реал сектор тармоқлари ва ижтимоий соҳани барқарорликда ривожлантириш орқали янада тараққий этишга қаратилган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олган. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида рўёбга чиқарилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар миллий иқтисодиётга инвестициялар киритишни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) вакили Девид Овен конференция иштирокчиларига жаҳон молиявий-иқтисодий тизимининг инқироздан чиқиши бўйича ХВЖ прогнозлари тўғрисида маълумот берди ва бу жараён дунёнинг турли минтақаларида турли суръатларда кечаётганини таъкидлади. Ўзбекистон инқироз оқибатларини бартараф этишда нафақат МДҲ, балки бошқа кўплаб давлатлар орасида энг яхши натижага – ялпи ички маҳсулотни салмоқли ва барқарор оширишга эришди.

Ислом тараққиёт банкини (ИТБ) ривожлантириш бўйича Ислом бирдамлик жамғармаси раҳбари Башир Фадлалле ўз нутқида Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида «Янги уйни қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишни асослаб берганини таъкидлади.

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Лу Брефор глобал инқирознинг Марказий Осиё давлатлари учун макроиқтисодий оқибатларига тўхталар экан, Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури ва мамлакат раҳбарияти томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар доирасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муваффақиятли ижтимоий-иқтисодий ривожланишда муҳим омил бўлишини таъкидлади.

«Кореан-Эйр» компанияси (Корея Республикаси) президенти ва ижрочи директори Чи Чанг Хуннинг фикрича, Навоий шаҳрида эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ташкил этилиши ва унинг асосий объектларидан бири бўлган «Навоий» аэропорти бозор ислоҳотларининг ўзбек модели самарадорлигига ёрқин мисол бўла олади. Бу, ўз навбатида, Европа, Ҳиндистон, Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёни бирлаштирадиган замонавий Буюк ипак йўлини барпо этишда катта истиқболга эгадир. Ўтган йили «Навоий» аэропортидан халқаро йўналишлар бўйича қарийб 8,5 минг тонна юк ташилди ва бу мазкур аэропортни глобал логистика тармоғига интеграциялаштириш имконини берди.

Конференцияда сўзга чиққан **АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ричард Норланд** Ўзбекистон иқтисодиётда ўтиш даврини муваффақиятли бошдан кечирган кам сонли мамлакатлардан бири эканини таъкидлади. Бугун Америка компаниялари Ўзбекистонни ўз сармояларини киритиш учун энг жозибадор бозор сифатида қайд этмоқда. Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган америкалик тадбиркорлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Мамлакатда хорижий инвестицияларни ҳимоя қилиш учун кўрилаётган чоралар келажакда уларни мамлакат иқтисодиётига янада фаол жалб қилиш кафолати ҳисобланади.

Нью-Йорк давлат университети (АҚШ) профессори Парвиз Морвижнинг таъкидлашича, Президент Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб амалга оширилаётган сиёсати самарасида бугун Ўзбекистон дунё мамлакатлари учун иқтисодий ўсиш модели бўлиб хизмат қилмоқда ва у қўлга киритаётган улкан ютуқлари билан халқаро ҳамжамиятга ўз ривожланиш дастурининг самарадорлигини намойиш этмоқда.

Анжуман якунлари бўйича тайёрланган хулоса ва тавсияларда Ўзбекистонда глобал инқироз хавфларига самарали қарши туришга қаратилган амалий чора-тадбирларнинг юксак самаралари ҳамда Президент Ислом Каримовнинг маърузаларида белгиланган инқироздан кейинги даврда ривожланишнинг чуқур асосланган устувор йўналишларининг муҳим аҳамияти ва долзарблиги алоҳида қайд этилди. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури ва мамлакатни янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун муҳим амалий аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Мазкур халқаро конференция ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш, кенг кўламли таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган ривожланишнинг «ўзбек модели» бутун дунёда катта қизиқиш уйғотаётганини яна бир карра тасдиқлади. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш, мамлакатни янада модернизация қилиш ва янгилаш бўйича кенг кўламли ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир тажрибаси аксарият давлатлар учун бугунги кунда ҳамда келажакда барқарор ривожланиш намунаси бўлиб хизмат қилади.

Анна ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

Амалий машғулот

ЖАНГОВАР ШАЙЛИК – ХИЗМАТ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг шахсий таркиби ўртасида ҳам жанговар шайлик ва жанговар қобилиятни мустаҳкамлаш мақсадида ўқув-йиғин машғулотлари ўтказишга эътибор қаратилмоқда.

Таълим муассасасининг офицер, сержант ва сафдорлари қаторида таҳсил олаётган курсантларнинг ҳам касб маҳорати ва ҳарбий билим салоҳиятини ошириш, қурол-аслаҳа ҳамда ҳарбий-техника воситаларини амалда тўғри, ишончли қўллаш кўникмаларини кучайтириш мақсадида жорий йилги ўқув-йиғин, дала машғулотлари юксак савияда ташкиллаштирилди.

– Юртига чексиз муҳаббати, юрагида ўти бор, ватанпарвар, мард ўғлонларга таълим-тарбия беришга йўналтирилган билим масканида жанговар шайликка алоҳида эътибор берилмоқда, – деди жанговар ўқув-йиғинига масъул, ЁХОТМ бошлиғи ўринбосари вазифасини бажарувчи, полковник В. Закиров. – Шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлик машғулотларида замонавий қурол-яроғлар, техника, бошқарув ва алоқанинг электрон, компьютерли тизимлари, шунингдек, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши, жанговар шайликни мунтазам ошириб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, шахсий таркибнинг ўқув жанговар ва машқ тайёргарлиги самарадорлигини кучайтириш, замонавий қурол ва техникалардан фойдаланиш қоидалари бўйича амалий билим ва кўникмаларини янада оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўқув машғулоти давомида шахсий таркиб ҳарбий ва жанговар тайёргарлик бўйича тест синовлари топширишди. Сўнгра «Калашников» автомати ва «Макаров» пистолетини қисмларга ажратиш ва йиғиш бўйича синовлардан ўтишди. Шундан сўнг улар хизмат қуролида махсус-ўқув майдонида электрон компьютерда шартли нишонни йўқ қилиш бўйича қобилиятларини синаб кўришди.

Бундай тадбирлардан кўзланган асосий вазифа – ёшларни мустақил Ватанимиз, унинг шавкатли Қуролли Кучларига меҳр-муҳаббат ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда жанговар шайликни оширишдан иборатдир.

Нафсиламрини айтганда, инсон учун ҳаётда киндик қони тўкилган, она каби ягона, мўътабар ва азиз Ватан, унинг ҳар бир қарич ерини асраш, муқаддас тупроғини кўзга тутиё айлашдек барҳаёт бобомерос анъанани давом эттиришга барчамиз масъулмиз.

Сергей ЯРМОЛИНСКИЙ, подполковник.
Ўктам ХОЛИҚОВ, капитан.

Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Вилоят ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси ташаббуси билан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан Фориш туманидаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежида вилоят ҳокимлиги, ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида «Одам савдосига қарши биргаликда курашайлик» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ва уларни аср вабоси бўлган одам савдоси жинояти қурбони бўлиб қолишларининг олдини олиш каби долзарб масала муҳокама қилинди.

Семинарда вилоят ИИБ ИҲҲҚ ва ЮТБ бошлиғи, подполковник О. Ғуломовнинг вилоят ички ишлар идоралари ходимлари томонидан одам савдосига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисидаги маърузаси тингланди. Нотиқ ўз сўзида ушбу турдаги жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиб берди.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар одам савдоси жиноятининг олдини олиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди ҳамда мавзуга оид видеороликлар намойиш этилди.

Э. НАРЗУЛЛАЕВ, лейтенант.

Жиззах вилояти.

Гиёҳвандлик – иллат

ҚИЗИҚАРЛИ СЕМИНАР

Республика ИИВ Академияси кундузги таълим битирувчи курс тингловчилари амалиёт даврида Гулистон шаҳридаги коллеж ва лицейларнинг ўқувчи ҳамда талабалари иштирокидаги ҳуқуқий семинарларда фаол қатнашмоқдалар.

Жумладан, Гулистон давлат университетида ташкил этилган кўргазмали семинар гиёҳвандлик иллатининг зарарли оқибатларига бағишланди. Тадбирда сўзга чиққан вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ ходими, майор С. Қўзибоев, Гулистон шаҳар ИИБ ВЕОҲООГ инспектори, капитан С. Абдуҳамидова ҳамда ИИВ Академияси тингловчилари Б. Собиров ва Э. Бекмуродовлар гиёҳвандлик моддалари ва унинг салбий оқибатлари, терроризм, диний экстремизм ва одам савдогарларининг қабиҳ жиноятлари ҳақида маъруза қилдилар.

– Ўтказилаётган семинарлар чоғида тингловчилар ўқиш даврида олган назарий билимларини амалиётга тўлиқ татбиқ этмоқдалар. Шу билан бирга, улар шаҳримиз ҳудудида содир этилаётган жиноятларни фош этиш ва олдини олишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар, – дейди Гулистон шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор А. Дўстматов.

Семинар давомида мавзуга дахлдор фильмлар намойиш этилиб, иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб берилди.

Назиржон ЙЎЛДОШЕВ, катта лейтенант.

Сирдарё вилояти.

Амалиёт

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг битирувчи курс тингловчилари одатдагидек ўзлари тугилиб ўсган вилоятлар ички ишлар идораларида амалиёт ўташяпти. Қуйида ана шу ҳақда жойларда олинган хабарлар билан таништирамиз.

НАЗАРИЯ ВА ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ

БУХОРО шаҳар ИИБда ИИВ Академиясининг бир гуруҳ бухоролик битирувчи тингловчиларига амалиёт дастурини муваффақиятли бажариш, зарур кўникмаларни шакллантириш, касб маҳоратини эгаллаш ва такомиллаштириш борасида барча шарт-шароитлар яратилган. Вилоят ИИБда Академия битирувчилари ва уларнинг ота-оналари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам бу алоҳида таъкидланди.

Учрашувда ИИВ Академиясининг амалиётни ўташ даврида ҳудуд бўйича масъул этиб бириктирилган подполковник А. Раҳимов, вилоят ИИБ ШТБИХ мутасаддилари, Академия битирувчилари ва уларнинг ота-оналари қатнашдилар. Тингловчилардан Зулфиддин Мавлонов, Гўзал Нурмуҳаммедова, Алимардон Ширинов, Раҳмат Жумаев, Азамат Янгиев ва Сардор Султоновларнинг ота-оналарига ИИВ Академияси раҳбарияти томонидан ўқув жараёнида ижобий натижаларга эришганлари учун Миннатдорчилик хатлари топширилди.

Учрашувда ота-оналар номидан Неъматжон Янгиев сўз олиб, ИИВ Ақадемияси ҳамда вилоят ИИБ раҳбариятига фарзандларининг билим олишлари ва амалиётни ўташ бўйича яратилган шарт-шароитлар учун миннатдорлик билдирди.

Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.
Бухоро вилояти.

ЖИЗЗАХ. ИИВ Академиясининг битирувчи курс тингловчилари Жиззах вилояти ички ишлар идораларига амалиёт ўташ учун келдилар.

Дастлаб вилоят ИИБ раҳбарияти ва тингловчиларнинг ота-оналари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда тингловчилар ўқиш жараёнларидаги хулқлари, олаётган билимлари, фанларни қандай ўзлаштираётганликлари тўғрисида маълумотлар берилди. Яхши натижаларга эришган тингловчиларнинг номлари айтиб ўтилди.

Энг муҳими, келажакда уларнинг эл тинчлиги йўлидаги машаққатли ва шарафли вазифаларни бажаришларида ҳалол, меҳнатсевар ва фидойи бўлишлари жуда муҳим омил эканлиги таъкидланди.

Бўлажак посбонлар Жиззах шаҳри ва Жиззах тумани ИИБларда профилактика, жиноят қидирув ҳамда тергов йўналишлари бўйича амалиёт ўташмоқда. Уларга тажрибали ходимлар мураббий этиб бириктирилган. Тингловчилардан Абдулло Жуманов, Нилуфар Насриддинова, Шуҳрат Омонов, Фарруҳ Юсупов, Элбек Алламуродов ҳамда Ҳабибулло Нуруллаевлар мураббийлари томонидан берилган вазифаларни аниқ ва тиришқоқлик билан бажармоқда. Улар эртанги кунда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, жиноятчиликка қарши курашда ўзлари мустақил равишда хизмат қилишларини ва бунинг масъулиятини бугундан ҳис қилмоқдалар. Амалиётдан кўзланган мақсад ҳам шу.

Илҳом ДЎСМУРОДОВ.

ТИНГЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Республика ИИВ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Фарғона сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида Юртбошимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» асари юзасидан семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали директорининг ўринбосари, фалсафа фанлари номзоди, доцент Н. Усмонов қатнашди. Нотиқ ўз маърузасида Ўзбекистонда ҳозирги вақтда нафақат инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш, шу билан бирга, инқироз тугагандан кейин мамлакат иқтисодиётини янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш бўйича жиддий ишлар олиб борилаётганини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг асосий йўналиш ва мақсадларини тингловчиларга атрофлича тушунтириб, иштирокчилар томонидан берилган саволларга жавоб берди.

Ж. МИРЗАЛИЕВ,
майор.

Тадбирлар

ПРОФИЛАКТИК ИШЛАР ЯХШИЛАНАДИ

Транспорт ички ишлар бошқармасида «Транспорт ички ишлар идораларида профилактика хизматининг ролини ошириш» мавзуида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент темир йўл шоҳбекати ва жойлардаги тармоқ ИИБ ҲООБ шахсий таркиби иштирок этди.

Тадбирни Транспорт ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Мухтор Ражабов кириш сўзи билан очиб, йил бошидан буён соҳада амалга оширилаётган ишлар, хусусан профилактик тадбирлар ва уларнинг самараси ҳақида гапирди. Транспорт прокуратураси прокурорининг катта ёрдамчиси Муборак Нажмитдинова ички ишлар идорасига олиб келинган вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик, улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ўз мулоҳазаларини баён этди. Бошқарма ҲООБ бошлиғи, подполковник Ҳожиакбар Султонов вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилаётган «Ўсмир», «Давомат», «Ойна», «Орият» каби тадбирларнинг аҳамиятини янада ошириш муҳим эканлигини таъкидлади.

Семинар-йиғилишда иштирок этган республика ИИВ ҲООББ бўлим бошлиғи, подполковник Исломбек Жаҳонгиров транспорт объектлари, улар атрофидаги бекатлар ва одамлар гавжум бўладиган жойларда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, ушбу объектларда хизмат қилаётган ходимларнинг хизмат интизомини ошириш, ўз устида ишлашига эришиш, фуқаролар, айниқса, ёшлар билан мулоқотда муомала маданиятига алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлади.

Тадбир давомида 2009 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида соҳада йўл қўйилган камчиликлар ҳам таҳлил қилиниб, келгусида бундай ҳолатларни такрорламаслик юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Г. АВАЗОВА.

Суратда: *тадбирдан лавҳа.*
А. КЕНЖАЕВ олган сурат.

СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Республика ИИВ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Самарқанддаги сержаитлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида тингловчиларга сертификат топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, марказ фаолияти йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Бугун бу ерда замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган 12 та махсус ўқув синфи, кутубхона, ошхона ва спорт зали тингловчилар ихтиёрида.

– Йил давомида ёнғин хавфсизлиги ходимлари бошланғич ҳамда малака ошириш ўқув курсларини ўтайдилар, – дейди марказ бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Шаҳриёр Негматов. – Уч ойлик ўқув ва тактик машғулотлардан сўнг улар синов имтиҳонларини топширишади. Курсни битирганларга белгиланган тартибда гувоҳнома ва сертификатлар топширилади.

Тадбир давомида тингловчилар турли қўргазмали чиқишлар орқали бу ерда олган билим ва кўникмаларини намойиш этдилар. Шу куни билим даргоҳини битирган 85 нафар сержантлар соҳавий хизматларини давом эттириш учун йўл олдилар.

Ёкубжон МАРҚАЕВ.

Суратда: *сертификат топшириш пайти.*

ИИВ Матбуот маркази хабарлари

ЙЎЛИ ТЎСИЛГАН ОҒУФУРУШ

Самарқанд шаҳрида ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ яна бир жиноят фош этилди. Ургут туманида яшовчи Т. Шермурод уч юз граммга яқин опий ва 46 граммдан зиёдроқ героинни икки млн. сўмга сотаётганида қўлга олинди.

Айни пайтда мазкур ҳолат юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

СОТИШГА УЛГУРМАДИ

Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманида ҳам ички ишлар идоралари ҳамда МХХ ходимлари томонидан шунга ўхшаш ҳолат аниқланди. Муқаддам судланган Е. Дармонжон уйида тўрт юз граммга яқин героинни 6600 АҚШ долларига сотаётган пайтда ушланди. Энди у қилмишига яраша жавоб беради.

ИККИ ТЕНГДОШ ТАЛОНЧИ

Пойтахтимиздаги коллежлардан бирининг талабалари К. Улуғбек ҳамда А. Раҳматилла талончилик жиноятига қўл уришди. Икки тенгдош 1994 йилда туғилган Виктор Дятловни куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб, «Нокия» русумли уяли телефонини олиб қўйишди. Бироқ уларнинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Шу ерда хизмат вазифасини ўтаётган ИИБ ходимлари томонидан улар қўлга олиндилар.

УСТАХОНАДАГИ УСТОМОИЛИК

Бухоро шаҳрида яшовчи Рустам Чориевга тегишли устахонадан «Никон» русумли фотоаппарат, «Нокия» ва «Моторола» уяли телефонлар, шунингдек, 200 минг сўм пул ўғирлаб кетилди. Олиб борилган суриштирувлар ўз самарасини берди.

Кўрилган чоралар натижасида шаҳарнинг Қ. Муртазоев кўчасида яшовчи, ишламайдиган Э. Шерзод юқоридаги жиноятни содир этганликда гумонланиб, ушланди.

Норали ОЧИЛОВ,
ИИВ Матбуот маркази
бош инспектори, лейтенант.

Бизнинг суҳбат

ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА

Таҳририятимизга келган мактубларда газетхонларимиз республика ИИВ олий таълим муассасаларига кириб ўқиш ва умуман ички ишлар идораларига хизматга кириш тартиб-қоидалари ҳақида маълумот беришимизни сўрашган. Ана шу муносабат билан республика ИИВ ШТБИХ таълим муассасалари бўлими бошлиғи, подполковник Баҳодир Пўлатов билан суҳбатлашдик.

– Баҳодир Абдукаримович, ёшларимиз орасида ИИВ олий таълим муассасаларида билим олишга иштиёқманд йигит ва қизлар кўп. ИИВ олий таълим муассасаларига кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида нималарга эътибор бериш лозим бўлади?

– Маълумки, бугунги кунда Ички ишлар вазирлиги тасарруфида ИИВ Академияси, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ҳамда Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаблари фаолият юритмоқда. **Академияда** республика ички ишлар идоралари учун тергов, жиноят қидирув, жиноятчиликнинг олдини олиш, эксперткриминалистика мутахассисликлари бўйича офицер кадрлар тайёрланади.

Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида ички ишлар идоралари ҳамда ҳарбий қисмлари учун ИИВ қўшинлари тактик қўмондонлиги, ИИВ қўшинлари тактик-тарбиявий қўмондонлиги, Жазони ўташ режимини ташкил этиш (юриспруденция), ИИВ корхоналарида техник назорат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш муҳандислиги ҳамда Аниқловчи ва қўриқловчи электрон тизимларидан фойдаланиш техник-муҳандислиги мутахассисликлари бўйича олий ҳарбий маълумотга эга бўлган офицерлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида эса ички ишлар идоралари учун ёнғин хавфсизлиги мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлган офицерлар тайёрлови амалга оширилади.

ИИВ олий таълим муассасаларига ўрта ёки ўрта махсус маълумотига эга, бўйи 170 см. бўлган (Академияга қабул қилинадиган қизларнинг бўйи 160 см.), соғлиғининг ҳолатига кўра ИИВ олий таълим муассасаларида ўқиш учун шунингдек, кейинчалик ички ишлар идораларида хизмат ўташга яроқли деб топилган, амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган ҳамда қабул имтиҳонларини муваффақиятли топширган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари танлов асосида қабул қилинади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ИИВ олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимига олий маълумотли шахслар қабул қилинмайдилар.

ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртига офицерлар таркибидаги ҳарбий унвонларига эга бўлмаган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар 18 ёшдан 25 ёшгача, фуқаролар 17 ёшдан 21 ёшгача этиб белгиланган.

ИИВ Академияси ва Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ўқишни хоҳловчи ёшлар ҳамда ички ишлар идораларининг сафдор ва сержантлар таркиби ходимлари 17 ёшдан 25 ёшгача бўлишлари шарт.

Вазирлик олий таълим муассасаларига номзодларнинг ҳужжатлари «Ўзбекистон Республикаси ИИВ олий таълим муассасаларига ўқишга номзодларни танлаш, ўрганиб чиқиш ва ҳужжатларини расмийлаштириш тўғрисидаги Йўриқнома» асосида расмийлаштирилади.

ИИВ олий таълим муассасаларига биринчи навбатда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқаролар, хизмат вазифасини ўташ вақтида ҳалок бўлган ҳуқуқтартибот идоралари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари, «Маҳалла посбони», «Чегара посбони» жамоат тузилмаларида ишлаётган номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдлари расмийлаштирилиб, уларга тегишли имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатлар йиғма жилдларга бириктирилиб қўйилади.

Ўқишга абитуриентлар танлови «Ўзбекистон Республикаси ИИВ олий таълим муассасаларига тингловчи ва курсантларни қабул қилиш тартиби ҳақидаги Низом»га кўра амалга оширилади. Ҳозирги кунда 2010/2011-ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасаларига ўқишга номзодларни танлаш ва шахсий ҳужжатларини расмийлаштириш ишлари давом этмоқда.

Ўқишга кириш хоҳишини билдирган номзодлар жойлардаги ички ишлар идораларининг тиббиёт хизматларида тиббий кўрикдан ўтказилади. Ўқишга танлаб олинганлар ИИВ олий таълим муассасаларида яна бир маротаба якуний тиббий кўрикдан ўтказиладилар. Шунингдек, одоб-ахлоқи, маънавий ва руҳий хислатлари, ўзини тута билиши, юриш-туриши чуқур ўрганиб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ олий таълим муассасаларига ўқишга ҳамда ички ишлар идораларига хизматга кириш хоҳишини билдирган номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, Транспортдаги ва вилоятлар ИИБлари шахсий таркиб билан ишлаш хизматларига мурожаат қилишлари мумкин.

Ҳужжатлар 2010 йил 1 июнгача қабул қилинади.

– Абитуриентлардан ўтказиладиган тест синовлари, шунингдек, йигит ва қизларга бериладиган имтиёзлар ҳақида ҳам маълумот бер-сангиз.

– ИИВ олий таълим муассасаларида абитуриентлардан ўқишга қабул йилининг 10 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази орқали тест синовлари олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролардан иборат абитуриентлар ИИВ олий таълим муассасаларига ўқишга киришда тест синовларида йиғилган балларига максимал баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл қўшилади. Бунда абитуриент ҳарбий қисмдан белгиланган намунадаги ўқишга кириш тўғрисидаги тавсияномага эга бўлиши шарт.

Хизмат вазифаларини бажариш вақтида ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимлари ҳамда ҳарбий хизматчиларининг фарзандларига Давлат қабул комиссиясининг қарори билан тест синовларида йиғилган балларига максимал баллнинг 10 фоизи миқдорида балл қўшилади.

Тест синовлари умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув дастурлари асосида кўп балли баҳолаш тизими бўйича ўтказилади. Тест синовлари бўйича маълумотлар жойлардаги ички ишлар идораларининг Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати масъул ходимлари томонидан номзодлар эътиборига етказилади.

– Шу ўринда вазирлик олий таълим муассасаларига кириш учун қайси фанлардан тест синовлари олиниши ва саволлар жавобларига қўйиладиган баллар ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз.

– Бу саволлар кўпчиликни қизиқтириши табиий. Тест синовларининг саволлари ўрта мактаб дастури асосида тузилади. ИИВ Академиясига кириш учун ҳужжат топширган абитуриентлар тарих, она тили ва адабиёти ҳамда чет тили фанлари кўламида тест синовлари топширадилар. Ҳар бир фандан 36 тадан жами 108 та савол бўлади. Тарих фанидан ҳар бир тўғри жавоб учун абитуриентга 3,1 балл берилади. Она тили ва адабиёти фанидан саволларга тўғри жавоб учун 2,1 балл, чет тили фани учун эса 1,1 балл берилади.

ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига ўқишга кириш учун ҳужжатларини расмийлаштирган абитуриентлар математика, кимё, она тили ва адабиёти фанларидан тест синовлари топширадилар. Абитуриентлар математика фани юзасидан берилган саволларга тўғри жавоб топсалар 3,1 балл, кимё фанидан берилган саволга тўғри жавоб учун 2,1 балл ва она тили ва адабиёти фанидан берилган саволга тўғри жавоб учун 1,1 балл тўплайдилар.

ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртининг ИИВ қўшинлари тактик қўмондонлиги ва ИИВ қўшинлари тактик-тарбиявий қўмондонлиги мутахассислиги бўйича ўқишга ҳужжат топширган абитуриентлардан тарих, математика, она тили ва адабиёти фанларидан тест синовлари қабул қилинади. Абитуриентларга тарих фани бўйича саволларга ҳар бир тўғри жавоб учун 3,1 балл, математика фани бўйича саволга тўғри жавоб учун 2,1 балл ва она тили ва адабиёти фани бўйича саволга тўғри жавоб учун 1,1 балл қўйилади.

Жазони ўташ режимини ташкил этиш (юриспруденция) мутахассислиги бўйича ўқишга ҳужжатларини расмийлаштирган абитуриентлар тарих, она тили ва адабиёти ҳамда чет тили фанлари бўйича тузилган тест синов саволларига жавоб берадилар. Абитуриентларнинг тарих фани юзасидан берилган саволга тўғри жавоб учун 3,1 балл, она тили ва адабиёти фанидан берилган саволга тўғри жавоб учун 2,1 балл ва чет тили фанидан берилган саволга тўғри жавоби учун 1,1 балл қўйилади.

ИИВ корхоналарида техник назорат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш муҳандислиги мутахассислиги бўйича абитуриентлардан математика, тарих ва она тили ва адабиёти фанлари бўйича тест синовлари қабул қилинади. Математика фанидан берилган саволларнинг ҳар бир тўғри жавобига 3,1 балл, тарих фанидан берилган саволга тўғри жавоб учун 2,1 балл, она тили ва адабиёти фанидан саволга тўғри жавоб учун 1,1 балл баҳо қўйилади.

Аниқловчи ва қўриқловчи электрон тизимларидан фойдаланиш техник-муҳандислиги мутахассислигини эгаллаш учун ҳужжат топширган абитуриентлардан физика, математика, она тили ва адабиёти фанлари бўйича тест синовлари олинади. Абитуриентлар физика фани юзасидан берилган ҳар бир саволнинг тўғри жавоби учун 3,1 балл, математика фани бўйича берилган саволларнинг ҳар бир тўғри жавоби учун 2,1 балл, она тили ва адабиёти фани бўйича берилган саволларнинг ҳар бир тўғри жавоби учун эса 1,1 балл тўплайдилар.

Шу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, имтиҳонларга пухта тайёрланиб, берилган 108 та саволнинг ҳаммасига тўлиқ ва тўғри жавоб топган абитуриентлар энг максимал бўлган 226,8 балл тўплашлари мумкин.

Тест синовларини топширишда имтиёзга эга бўлган абитуриентларга энг максимал баллнинг тегишли фоизи ҳисобида қўшимча балл қўшилади.

– Бир гуруҳ юртдошларимиз ИИВ Академиясининг Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига кириб ўқишни хоҳловчилар учун ҳам бу билим юртига қабул қоидалари ҳақида билишни истаганлар.

– ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларида ички ишлар идораларининг талаб ва эҳтиёжлари асосида сержантлар таркиби тайёрлови амалга оширилади. Олий курсларда ўқиш муддати – 6 ой.

Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига ўрта махсус ва олий маълумотга эга, 25 ёшгача бўлган, бўйи 170 см. дан паст бўлмаган, ҳақиқий ҳарбий хизмат ёки сафарбарлик чақирув резервида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, ўзининг ахлоқий ва касбий хислатлари, соғлиғининг ҳолатига кўра ички ишлар идораларида хизмат ўташга лаёқатли республика фуқаролари танлов асосида қабул қилинадилар.

Шунингдек, ички ишлар идораларининг патруль-пост, йўл-патруль, алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отрядлари соҳавий хизматлари йўналишлари бўйича ўқишга кириш хоҳишини билдирган номзодларнинг бўйи камида 175 см. бўлиши лозим.

Бундан ташқари, ички ишлар идоралари ва тизимларида камида 1 йил давомида хизмат ўтаётган, 30 ёшгача бўлган ўрта махсус ёки олий маълумотга эга ҳамда келгусида сержантлар таркиби лавозимларига тайинланиши режалаштирилаётган сафдор ходимлар ҳам танловда иштирок этиши мумкин.

ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига ўқишга кирувчи номзодлар ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимлар асослари, касбий-руҳий тайёргарлик бўйича тест синовларини топширадилар ҳамда улардан жисмоний тайёргарлик бўйича имтиҳонлар қабул қилинади. Номзодлар қабул имтиҳонлари ва тест синовларини давлат ёки рус тилида топширишлари мумкин.

Ўқишга қабул қилинган курсантлар ўқиш давомида бепул озиқ-овқат, махсус кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар. Шунингдек, уларга стипендия ҳам тўлаб борилади.

ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига навбатдаги танлов 2010 йил сентябрь ойининг иккинчи декадасида ўтказилади.

Пировардида яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, ИИВ олий таълим муассасаларига, ИИВ Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига ва умуман ички ишлар идораларига қабул қоидалари бўйича жойлардаги ички ишлар идораларининг шахсий таркиб билан ишлаш хизматларидан тўлиқ маълумотлар олиш мумкин.

– Суҳбатингиз учун раҳмат.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ
суҳбатлашди.

9 МАЙ – ХОТИРА ВА



«БОБОЛАР РУҲИ ҚЎЛЛАСИН»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Молдова ҳудудидаги Прут дарёсини кечиб ўтишда аскарлар чинакам жасорат кўрсатишади. Тилла Абдуллаев бир гуруҳ қуролдошлари билан дарёнинг саёз ва душманга зарба беришга қулай жойини аниқлаб келишади. Катта талафот кўрган босқинчилар Руминия томон чекинади. Ана шу жангда қаҳрамонимиз оёғидан яраланади.

Ғалаба кунларини Тилла Абдуллаев Прага шаҳрида кутиб олади. Шу орада отасидан хат олиб, Берлин яқинида эканидан хабар топади. Ота-ўғил бир-бирлари билан дийдорлашишади. Не-не аёвсиз жангларда омон қолиб, жигарбанди билан учрашишнинг ўзи бўладими. Уларни кўрган кишининг ҳаваси келар, аскарлар худди ўз отасини топгандек хурсанд бўлишганди. Иккови суҳбатлашиб, онасини эслашди.

– Укаларинг ҳам катта бўлиб қолгандир, – деди отаси.

– Мана дадажон, айтганимни қилдим, босқинчиларнинг додини бердим, – дея қувноқ кулди у.

– Ҳали ҳам ёш боладайсан-а, энди буёғига омон бўлсак уйда кўришамиз, – деди отаси.

Урушдан кейин бир йиллар чамаси Украина хавфсизлик хизмати сафида ёт унсурларга қарши курашиб, 1946 йилда қадрдон қишлоғига қайтади.

Урушнинг оти ўчсин. Унинг мудҳиш асоратини эсласа бутун вужудида титроқ сезади. Кўплаб ҳамқишлоқлари қайтмади, ногирон бўлиб қайтган навқирон йигитларни кўрганлар урушга, босқинчиларга лаънат ўқиди.

Тилла Абдуллаевнинг урушдан кейинги ҳаёти ички ишлар идоралари хизмати билан боғланди. Дастлаб Фарғона вилояти ИИБда турли лавозимларда фаолият кўрсатди. Ёш, ғайратли, касбига садоқатлилигини кўрган раҳбарият уни Фарғона шаҳар ИИБ бошлиғи этиб тайинлайди. Кейинчалик ишчан, фидойи ходимга янада катта ишонч билдирилиб, Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи этиб тайинланади. Ҳудудда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш осон эмасди. Тилла Абдуллаевнинг раҳбарлик маҳорати, ишни тўғри ташкил этишдаги тажрибаси боис вилоятда жиноятчилик камайди, содир этилганлари тезда очилди.

Тилла Абдуллаев Самарқанд вилояти ИИБ бошлиғи этиб тайинланганида 42 ёшли йигит эди. Нисбатан оғир ҳудудда ишлаш вақтида орттирган тажрибаларини қўллади. Биринчи галда, ички ишлар идоралари хизматининг нуфузини оширишга ҳаракат қилди. Бунинг учун эса содир этилган жиноятни «иссиқ изида» очиш, айбдорларни қўлга олиб, элга ошкор этилса, бошқаларга сабоқ бўлади. Тилла Абдуллаев шахсий таркибдан ана шуни талаб қиларди. Содир этилган жиноятнинг очилишини қатъий назоратга оларди.

Давлатнинг катта миқдордаги пулини ўзлаштириб, яна қотиллик содир этиб, қочиб кетган шахсни ушлаш учун қидирув эълон қилинади. Унинг Зарафшон тоғлари орасида овлоқ жойда эканлигидан хабар топган Т. Абдуллаев ҳарбий қисмдан вертолётни ёрдамга чақиради. Жиноятчини тириклайин қўлга олиш лозим эди. Чунки унинг шериклари ҳам бор бўлиши табиий. Вертолётдан пастни кузатиб бораркан Т. Абдуллаев пастқамроқ жойга қўнишни буюради. Қидирилаётган шахс эса тепаликнинг ортида бўлиши мумкин. Вертолётда борилса, қўлга тушишини ўйлаб, жонига қасд қилади.

Тилла ака белигача қор кечиб, овчи уйчасигача борганда ҳеч ким йўқ эди. Лекин довон томон кетган из янги. Тилла ака рацияда хабар бериб из бўйлаб олға юради. У узоқдан кимнидир кўради. Кимса бамайлихотир кетиб борарди. Тилла ака бор кучини тўплаб олға юради. Етай деб қолганда қочоқ билиб қолади. Аввалига олишмоқчи бўлади. Лекин абжир Тилла ака уни қўлга олиб, вертолётни чақиради.

Нафақага чиққанига ҳам бир йигитнинг умрига тенг вақт ўтди.

«Ҳозирги ёшларнинг бахти бор экан, – ўй сура бошлади Тилла ака. Айниқса, ички ишлар идораларидаги шарт-шароитларни ўзининг хизмат қилган даврлардагиси билан таққослаб бўлмайди. Туман ички ишлар бўлимида битта-иккита машина, икки-учта мотоцикл бўларди холос. Ҳудудда жиноят содир этилса, етиб боргунича анча вақт кетарди. Яна мутахассис кадрлар етишмасди. Ҳозир олий маълумотли офицерлар тайёрлайдиган билим юртлари муносиб кадрларни етиштириб беряпти. Замонавий машиналар хизматда доим шай.

Мана шу кунларни кўрганим учун ҳам ҳар қанча шукрона айтса арзийди...»

– Бува, нега хаёллаб қолдингиз, кетмаймизми, деган овоз уни сергаклантирди.

– Э, ўғлим ўтган кунлар ёдимга тушиб кетди, – деди отахон неварасига қараб.

Ҳайкал пойидаги гулдастани яна тўғрилаган бўлиб, ортига қайтди.

Майдонни айланиб юрган ўн чоғли йигит-қизлар генерал кийимидаги отахонни кўриб, уни ўраб олишди.

– Отахон, урушда бўлганмисиз? – дея сўради қизиқиб улардан бири.

– Ҳа, қизим урушда бўлганман. Лекин сизлар урушни кўрманглар. Президентимиз, ҳукуматимиз сиз ёшларга жуда кўп меҳрибонлик кўрсатаяпти. Буни оқланглар, яхши ўқиб, етук мутахассис бўлишга ҳаракат қилинглар. Бахтингиз бекаму кўст бўлсин. Мана шундай дориламон кунларимизни, осойишталикнинг қадрига етинглар. Бизларнинг ота-боболаримиз улуғ кишилар бўлишган. Агар ўша мудҳиш уруш бўлмаганида жангларда ҳалок бўлган юртдошларимиз орасидан яна кўплаб олимлар, машҳур кишилар чиқарди, албатта. Сизлар улар орзу қилган дориламон кунларда яшаяпсизлар, барча ўтганларнинг руҳи қўлласин сизларни.

Отахон ёшлар билан хайрлашаркан, «Илоҳим, уруш деган балони ҳеч кимнинг бошига солмагин!» дея Яратганга илтижо қилиб, йўлида давом этди.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

СУРОНЛИ ЙИЛЛАРДА ТОБЛАНИБ

Ўринбой ота истиқомат қилаётган хонадон биз учун ниҳоятда қадрдон бўлиб қолган. Қалби меҳр ва ифтихорга тўла бу инсон билан бир бор суҳбатлашган киши яна ўша дийдорлашувни қўмсаб қолади. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўринбой отанинг хонадонига ташриф буюрдик. Ҳар галгидек тўкин дастурхон атрофидаги гурунг авжига чиқди.

– Хотирамдан мустаҳкам жой олган ўша қувончли кунни такрор ва такрор эслагим келаверади, – дейди истеъфодаги капитан Ўринбой ота Абдукаримов. – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Тошкент шаҳридаги Хотира майдонининг очилиш маросимида иштирок этдим. Шу муқаддас қадамжода Юртбошимиз билан суҳбатлашиш, уларга хоразмлик фахрийларнинг дил сўзларини, орзу тилакларини, миннатдорчилигини етказиш бахтига муяссар бўлдим. Бу қувончли онлар ҳаётимда унутилмас воқеа бўлиб қолди. Ҳамон ўша ширин хотиралар оғушида яшайман.

Ўринбой Абдукаримов 1919 йил Қорақалпоғистон Республикасининг собиқ Шаббоз туманидаги Қилчиноқ қишлоғида таваллуд топди. Меҳрибон, ўрни келганда, қаттиққўл момосининг қўлида тарбияланган Ўринбой зуваласи пишиқ, қўл-оёғи чақкон бола бўлиб етишди. Орадан йиллар ўтди. У бу орада ҳаётнинг аччиқ-чучугини англаб, маҳалланинг корига ярайдиган йигитга айланди. Ҳалима опа уни Тўрткўл педагогика билим юртига ўқишга берди. Бу илмгоҳни муваффақиятли тамомлаган Ўринбой мактаб ўқувчиларига дарс бера бошлади. Аммо орзуси ушалган йигитнинг қувончи узоққа бормади. Чунки шу йили уни ҳарбий хизматга чақиришди. Тақдирни қарангки, унинг ҳарбийлик фаолияти иккинчи жаҳон урушига тўғри келди. Ўринбой Полтава, Харьков шаҳарларини душманлардан озод қилишда қатнашди.

Ана шундай суронли йилларнинг бирида Бош Қўмондоннинг буйруғига биноан йигирма нафарга яқин жангчи Ўрта Осиёга юборилди. Улар орасида старшина Ўринбой Абдукаримов ҳам бор эди. Аскарларни жангга ҳар томонлама тайёрлаб, урушга юбориш уларнинг зиммасига юклатилди.

Ўринбой энди Қўқон, Самарқанд, Туркманистон Республикасининг Керки шаҳарларидаги махсус қисмларда хизмат қила бошлади. Барча машаққатларни мардонавор енгган бу йигитнинг иродаси тобланди, ақл-заковати чархланди.

Уруш тугагач, Ўринбой Тошкент шаҳридаги милиция раҳбарларини тайёрлаш курсига ўқишга кирди. Бу билим даргоҳини муваффақиятли тамомлагач, ички ишлар идорасида хизмат бошлади. У ўзининг 25 йиллик хизмат фаолияти давомида вилоят ИИБ жиноят қидирув соҳасида тезкор вакил, катта тезкор вакил, Хонқа ва Янгиариқ туманлари ИИБ бошлиғи лавозимларида самарали хизмат қилди.

Узоқ давом этган уруш халқни қийин аҳволга солиб қўйган эди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш долзарб вазифага айланди. Ўғрилик, талончилик жиноятлари кескин ортиб кетди. Айниқса, Ҳазорасп, Янгиариқ, Хонқа, Хива туманларида бундай ҳолатлар кўпайди. Вилоят ИИБ раҳбарияти барча соҳавий хизматлар бошлиқлари, шаҳар ва туман ИИБлари раҳбарларига зудлик билан жиноятчиларни қўлга олиш чораларини кўриш ҳақида кўрсатма берди. Юрт тинчлиги, халқ осойишталигини таъминлашдек вазифаларни бажаришда тиним билмаётган Ўринбой бу топшириқни кўнгилдагидек уддаламагунча тинчимади. У йиллар давомида ўз билим ва тажрибасини ошира бориб, ёш ходимларни тарбиялаш ҳамда уларга касб сирларини пухта ўргатишга ҳаракат қилди. Кўплаб шогирдлар етиштирди.

Ўринбой ота истеъфога чиққач, вилоят ИИБ Фахрийлар кенгашига раҳбарлик қилди. Бу фидойи инсон ўз умрини юрт тинчлиги, халқ осойишталигини таъминлашга бағишлади.

Ўтган йили вилоят ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда Фахрийлар кенгаши Ўринбой ота Абдукаримовнинг 90 йиллик тўйини катта тантана билан нишонлашди. Кечага ташриф буюрган меҳмонлар уруш ва ички ишлар фахрийсининг сермазмун ҳаёт йўли ёшлар учун ибрат мактаби бўлишини алоҳида таъкидлашди.

Ўринбой отанинг тўнғич фарзанди Улуғбек Абдукаримов ота изидан бориб, узоқ йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилди ва подполковник унвони билан нафақага чиқди. Айни пайтда у кишининг невараси, сержант Умиджон Абдукаримов сулола давомчиси сифатида вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги хизматида фаолият кўрсатмоқда.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Постда» мухбири.

Суратда: *Ўринбой ота Абдукаримов невараси Умрбекка хотираларини сўзлаб бераяпти.*

Муаллиф олган сурат.

ҲАМЮРТЛАРИ ҚАЛБИДА МАНГУ

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва овулларини ҳам қайғуга солди. Тинч яшаб, меҳнат қилаётган кишилар учун уруш керак эмас, албатта. Шунинг учун ҳам уруш бошланганини эшитган ҳар бир киши босқинчиларга лаънат ўқиди. Қорақалпоқ халқининг мард ўғлонлари фронтга отландилар. Кўплар қаторида Алимбай Аманбаев ҳам бор эди. У эндигина йигирма ёшга тўлганди. Болаликдан тенгқурлари билан кураш тушиб, тўп тепиб вояга етган Алимбай ички ишлар идораларида хизмат қилиш, жиноятчиларни тутиб, додини беришни орзу қиларди.

У 1922 йил Тошҳовуз вилоятининг Кўҳна Урганч туманидаги овулларнинг бирида деҳқон оиласида туғилади. Шундоқ ҳам қийинчиликда яшаётган оилада аввал она, кейинроқ ота оламдан ўтади. Алимбай 1941 йил декабрида сингласи Жумагулни акасига топшириб, кўнгиллилар қатори Ватан ҳимоясига отланади. Ҳарбий тайёргарликни ўтаган Алимбай 1942 йил фронтга жўнайди. Бу пайтда тиш-тирноғигача қуролланган босқинчилар Москва остонасида бўлган жанглардаги мағлубият аламини олиш учун бор куч имкониятларини ишга солиб, бутун ваҳшийликларини намоён этарди. Ёвузликка қарши кучли нафрат ва Ватанга бўлган юксак муҳаббат аскарларга руҳий мадад бўлиб, ҳар бир қарич ерни жон фидо қилиб душмандан ҳимоя қилишарди. Украина фронти 32-дивизиясининг 23-полки аскарлари сафида уруш олиб борган Алимбай навбатдаги жангларнинг бирида қўлидан оғир яраланишига қарамасдан бир неча метр юқорига эмаклаб бориб, ўқларни ёмғирдай ёғдираётган душман пулемётчисини йўқ қилди. Бошини кўтаришга мажоли қолмаса-да дўстларининг баланд ҳайқириқлар билан ҳужумга ўтишганини эшитиб енгил тин олди. Госпиталда узоқ даволанган Алимбайни шифокорлар бошқа жанг майдонига юборишмади. Аммо у душманнинг батамом тор-мор этмасдан туриб қишлоғига қайтишни истамади. Шундан кейин уни ҳарбий ўқув курсига жўнатишди.

Тўпчи узоқни кўзлайди. Қайси жойда жанг бўлмасин, Алимбай олдинги сафда бўлишга ҳаракат қиларди. Сержант Алимбай Аманбаев Украина ерларини босқинчилардан озод этишда жасорат кўрсатиб, душманнинг бир неча танк ва пулемёт нуқтасини яксон қилади. Айниқса, Шарқий Пруссияда кўрсатган жасорати қўмондонлик томонидан юқори баҳоланади. У бир неча кундан бери аскарлар йўлини тўсиб, тинмай ўқ узиб турган душман пулемётчилари нуқтасини аниқ нишонга олиб, йўқ қилади. Уруш йилларида унинг яксон қилган танклари йигирмадан ошади. Қорақалпоқ халқининг мард, жасур ўғлонининг қирғинбарот жангларда кўрсатган жасорати мамлакатнинг олий мукофотлари – «Шон-шуҳрат» орденининг учта даражаси билан тақдирланади.

Она юртига кўкси тўла орден ва медаллар билан келган Алимбай Аманбаев болаликдаги орзусига эришиш учун ички ишлар идораларида ишлаш учун ариза беради. Жасур жангчи дастлаб меҳнат-ахлоқ муассасасида взвод командирининг ёрдамчиси лавозимида фаолият бошлайди. Кейинчалик у Нукус шаҳар милиция бўлинмаси взводининг командири этиб тайинланади.

Алимбай Аманбаев хизматни узоқ давом эттиролмайди. Чунки фронтда орттирган жароҳати бир неча марта совуқда қолиб кетгани боис касалланган эди. Касалликнинг сурункали хуруж қилиши хизматдан бўшашига сабаб бўлади. Кичик лейтенант унвонида истеъфога чиққан А. Аманбаев 1955 йилда вафот этади.

Алимбай Аманбаевга қандай вазифа топширилмасин, виждонан бажарарди. Аскарларга хос ғайрат ва шижоатли эди. Шунинг учун ҳам ҳамюртлари Алимбай Аманбаевни «бизнинг мард ўғлонимиз», дея фахр билан тилга олишади. Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ Шон-шуҳрат музейида Алимбай Аманбаевнинг сурати ва хизмат фаолияти ҳақида маълумотлар жой олган. Кекса авлод энди хизматга қадам қўйган ёшларга бу фидойи инсон ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилиб беради.

– Эзгу ишлари билан ҳаётда ном қолдирган бундай шахсларнинг хотираси ёш авлодга тинчликнинг нақадар олий неъмат эканлигини англатиб, Ватанга бўлган муҳаббатини янада мустаҳкамлайди, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник Наурузбай Таумуратов.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.
Садриддин АБДУЛЛАЕВ.

ҒАЛАБАГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

Жуссаси ўртача, ҳар бир нарсага эътибор билан қарайдиган Камол Шамсиевни нафақат Қарши шаҳридаги Ҳарамжўй маҳалласи аҳли, балки вилоятда кўпчилик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, қолаверса, халқ посбони сифатида яхши танийди. Камол ота яқинда саксон олтинчи баҳорни қаршилади. Лекин хотираси ниҳоятда тиниқ. Ўсмирлик, ёшлик йилларини кўз ёшсиз эслай олмади.

– 1940 йилда Қарши ўқитувчилар техникумини тугаллаб, икки йил Чироқчи туманидаги 7-ўрта мактабда бошланғич синфларга дарс бердим, – дея ўтган кунларни ҳикоя қилди отахон. – Кунларнинг бирида уйга келсам армияга чақириқ қоғози келган экан. Онам раҳматли кўзида ёш билан қарши олди. Чунки уруш бошланганига кўп вақт бўлмаган бўлса-да, қишлоғимиздан кетганларнинг кўпчилигидан қора хат келиб улгурганди. Кўп қатори мен ҳам 1942 йил урушга кетдим. Ворошиловград, Одесса ва Харьков шаҳарларида фронтга нон жўнатиш билан шуғулландик. 1943 йилнинг куз ойларида жанг майдонига олиб киришди.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ўрмондаги қор қалинлиги кўкраккача етарди. Кун совуқ. Ҳандақда жон сақлаймиз. Душманнинг самолётлари тепамиздан тинимсиз бомба ташламоқда. Бош кўтарганнинг омон қолиши гумон. Олдимизда Днепр дарёсини кечиб ўтишдек масъулиятли жанговар топшириқ турарди. Тун ярмида «Жангга тайёрланинг!» – деган топшириқ берилди. Дарё томон эмаклай бошладик. Муз устида кўкрак билан сирпаниб, нариги қирғоққа ўтишимизга бир баҳя қолганда душман томонидан шафқатсиз ўққа тутилдик. Ўнг қўлимдан яраландим. Шундай бўлса-да, анча вақт жанг қилдик... Кўзимни очсам, тепамда бир рус аёл турганини кўрдим. Ўнг қўлим боғланган. Кейин билсам ўша аёл мени Днепрнинг нариги қирғоғига олиб ўтган экан.

Камол Шамсиев 1944 йилнинг охирларида кўкси тўла орден ва медаллар билан қишлоғига қайтгач, Ватан, халқ фаровонлиги йўлида тинимсиз меҳнат қилди. Аввал мактабда болаларни ўқитди. Бундан ташқари, уч йил хўжалик раҳбарлиги лавозимида фаолият кўрсатди. Ундаги тиришқоқлик, тўғрисўзлик, қолаверса, халқ тинчлиги учун ёниб яшашини сезган Қашқадарё вилояти ИИБ хўжалик бўлими бошлиғи Х. Худойбердиев (марҳум) К. Шамсиевга ички ишлар идорасида хизмат қилишни таклиф этди.

К. Шамсиев меҳнатсеварлиги, одамохунлиги билан жамоа орасида тезда ҳурмат қозонди. 1960 йилдан 1963 йилгача Қарши туман ИИБда профилактика инспектори, сўнгра 1983 йилгача Қарши шаҳар ИИБ да турли соҳаларда фаолият кўрсатди. Устозлари раҳматли Шариф Ражабов ҳамда Очил Норхўжаевлардан бу касбнинг сир-асрорларини пухта ўрганди. 1984 йилнинг бошида Камол Шамсиевни нафақага кузатишди. Аммо у ўз ҳаётини бир дам бўлсада, ҳамкасбларидан йироқ тасаввур қила олмади. Қарши шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими шахсий таркиби билан Камол ота 1992 йилга қадар ўзаро ҳамкорликда меҳнат қилди.

– 1994 йил 9 май куни Тошкентга чақиришди, – дейди истеъфодаги капитан Камол ота Шамсиев, – бориб билсам, муҳтарам Президентимиз Фармони билан узоқ йиллик меҳнатларим қадр топиб «Жасорат» медали билан тақдирланибман. Бундан жуда хурсанд бўлдим. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас узоқ йиллар халқ таълими соҳасида ишлаган турмуш ўртоғим Маҳмудахонга ҳам «Жасорат» медали берилди. Бу кун ҳеч ёдимиздан чиқмайди.

Камол отанинг турмуш ўртоғи Маҳмуда ая ҳам умр бўйи ўқитувчилик қилди. Шу билан бирга, уч нафар фарзандни оқ ювиб, оқ таради. Уларнинг ўғли Шарип ака ҳам ота изидан бориб, узоқ йиллар вилоят ИИБ ЙХХБда самарали хизмат қилди. Ҳозир у ҳам нафақада.

Бугун Камол ота Маҳмуда ая билан биргаликда 21 нафар невара, 6 эвара ардоғида роҳат-фароғатда умргузаронлик қилишмоқда. Қаҳрамонимиз уйидан қайтар эканмиз, урушнинг бор азоб-уқубатини кўрган Камол отанинг такрор ва такрор айтган бир ибораси ҳеч хаёлимдан кўтарилмади. «Йигит киши ўзи туғилган гўшани асраб-авайлайди. Шу ер, шу тупроқ учун жонини тикканлар хотираларда абадий яшайди».

Содиқ РАҲИМОВ.

Қашқадарё вилояти.

Суратда: *Камол ота Шамсиев невараси билан.*

ҚАДРЛАШ КУНИ

ШОНЛИ ЙЎЛ

Вақт тутқич бермайди. Заминимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлиши учун қон кечган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари сафи тобора сийраклашиб бораяпти. Уруш фахрийлари халқимизнинг ҳақли ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган. Қуйида улардан бири – истеъфодаги старшина Паттаржон Абдуллаев ҳақида ҳикоя қиламиз.

... Суронли 1942 йил. Фронтдан ташвишли хабарлар келиб турибди. Шундай кунларнинг бирида Паттаржон ҳарбий комиссариатга келди.

– Мени фронтга жўнатинг. Душманнинг додини беришни хоҳлайман. Акаларим Саиджон ва Ҳамиджон жанг қилишаяпти. Улардан қаерим кам? – деди.

– Ёшинг нечада? – ҳорғин оҳангда сўради ҳарбий комиссар.

– Ҳадемай ўн саккизга тўламан. Илтимос, фронтга жўнатинг!

– Кўрқоқлик қилмайсанми?

– Йўқ, – қатъият билан жавоб берди Паттаржон.

Кузнинг совуқ шамоли наридан бери тикланган минбар олдида саф тортиб, қунишиб турган чақирилувчиларнинг юз-кўзини ачиштиради. Ҳарбий комиссарнинг сўзлари узуқ-юлуқ эшитилади:

– ... Ҳалол хизмат қилинглар... Душманнинг кунини кўрсатинглар... Ой бориб, омон қайтинглар...

Сўнг юк поезди вагонларида узоқ йўл босишди. Фронт чизиғига бир бекат қолганда тушишди. Андижонлик бир неча йигит Муром шаҳрига қисқа муддатли кичик командирлар тайёрлаш курсига юборилди. Улар орасида Паттаржон ҳам бор эди. Ўқиш даври кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Елкасига сержантлик погонини тақкан Абдуллаев ҳаракатдаги армия сафидан ўрин олди. Паттаржон оғир жангларнинг гувоҳи бўлди. Ёшёш, ҳали уруш нималигини билмаган аскарларнинг ҳалок бўлишини, жон беришини ўз кўзи билан кўрди.

Волоколамск, Курс жангларида иштирок этди. Оёғидан яралангач, госпиталда даволаниб чиқиб, яна жангга кирди. Кўплаб шаҳарларни озод қилишда қатнашди. Катта сержант Абдуллаев ғалабани Берлинда кутиб олди. Урушдан кейин яна икки йил армия сафида қолди.

1947 йил она шаҳри Андижонга қайтган Паттаржон транспорт ИИБга ишга кирди. Машаққатли хизмат бошланди. Тунги навбатчиликлар ҳамиша ҳам тинч-осойишта ўтавермасди. Поездларни манзилга кузатиб боришда ҳушёрлик талаб қилинарди. Жиноятчи унсурлар ғимирлаб қолишганди. Улар поездларда ўғрилик, талончилик содир этишар, қотилликдан ҳам тап тортишмасди. Паттаржон кўп бора ҳаётини хавф остида қолдириб, қуролли жиноятчилар билан юзма-юз олишишига тўғри келган. Қанчалаб хавфли, ашаддий жиноятчиларни қўлга олган.

Фронтда олган жароҳати ўз асоратини кўрсатди. П. Абдуллаев ички ишлар идораларида салкам 22 йил хизмат қилгач, 1970 йилда нафақага чиқди. Беш ўғлидан тўрт нафари ота изидан боришди. Ҳозир улар ҳам нафақада. Владислав ва Ғанижон полковник унвонида, Олимжон ва Солижон майор унвонида истеъфога чиқишди. Паттаржон ака умр йўлдоши Евдокия Трофимовна билан 65 йил аҳил-иноқ турмуш кечиришди. Афсуски, Евдокия опа ўтган йили вафот этди.

– Байналмилал оиламизда беш ўғил, икки қиз вояга етди. 23 невара, 18 чеварам бор, – дейди фахр билан Паттаржон ота.

Неваралар ҳам бобоси изидан боришаяпти. Ҳозир улардан уч нафари ички ишлар идораларида хизмат қилишади. Дилшодбек – капитан, Сардор – катта лейтенант. Алишер – сафдор, у ИИВ Академиясида ўқишни орзу қилади.

Пенсияга чиққанидан кейин ҳам Паттаржон ота бекор ўтиргани йўқ. Ўн йилдан ошиқ маҳалла оқсоқоли бўлиб ишлади. Ҳозир эса невараю эваралар ардоғида қарилик гаштини сураяпти.

Истеъфодаги старшина Паттаржон Абдуллаев тез-тез Андижон темир йўл бекати тармоқ ИИБда бўлиб, ёш ходимларга босиб ўтган шонли ҳаёт йўли ҳақида гапириб беради, уларни ҳалол, фидойи бўлишга чақиради.

Борис КЛЕЙМАН.

Суратда: *Паттаржон Абдуллаев невараси Алишер билан.*

Андижон вилояти.

ШУНДАЙЛАР БЎЛМАСА АГАР ДУНЁДА...

Йиллар, йўллар, умрлар ўтгани сари тарих саҳифалари яна бир бетга бойиб бораверади. Ўша машъум Иккинчи жаҳон уруши бошланган кезлари келинлик либосига бурканган, узоқ айриликдан кейинги висол дамларини орзиқиб кутиб, жангчи ёри йўлига ҳалигача кўз тикиб турганлар бугун мункайган момо бўлиб қолишди. Афсуски, йўлларига илҳақ қилган йигитларнинг кўплари жаҳаннам комидан омон қайтишмади, келажак авлод тақдирини ўйлаб, ўзларини душман ўқига қалқон қилишди.

Боболаримиз, оталаримиз ўтмишига назар ташлар эканмиз уларнинг мардлигидан қалбимиз ғурурга тўлади. Зеро, йиллар ўтгани сари башарият халқларининг халоскорлари сони тобора камайиб бораяпти.

Ёнғин хавфсизлиги хизматида фаолият кўрсатиб, 40 йилдан буён нафақа гаштини сураётган Тошкент туманилик Наби Каримов ҳам оғир жангларни бошидан кечирганлардан бири. У 1943 йилда илк бор душман билан Венгрия тупроғида юзма-юз келди. Бу жанг унинг бир умр қалбида муҳрланиб қолди. Аслида ёнғин хавфсизлиги хизматида ишлашининг боиси ҳам кўрган воқеаси туфайли сабаб бўлгани бор гап.

– Ўшанда шаҳарни душманлардан тозалаш учун қаттиқ отишмалар бораркди, – дея эслайди истеъфодаги сержант Наби ота Каримов. – Шундоққина рўпарада, катта бир уй ёнаётганди. Санитарларнинг ити негадир ўша ёққа талпинарди. Бир оздан сўнг отрядимиздагилар лол қолишди, ҳалиги ит оғзида бир гўдакни кўтариб, шитоб билан биз томонга келди. Билдикки, олов ичидаги уйда бегуноҳ кишилар жуда кўпчилик. Душманлар тинимсиз ўққа тутишига қарамай, ўт ичига отландик. Газандалар томонидан тутқинликда сақланган 35 нафар аёллар, 12 нафар болажонларни олиб чиқишимиз билан, бино портлаб, кули кўкка соврилганди...

Суронли кечмиш ва қонли олишувлар ортда қолди. Армия сафидан қайтиб келгач, Наби акани кўп жойларга, ҳатто, катта мансабда ишлашга таклиф қилишди. Шундай бўлса-да, дилидаги орзуси тинчлик бермасди. Иш ўрни, жойи одамлар хавфсизлигини таъминлаш, уларни ўт балосидан асраш эканлигини қалбан ҳис этарди. Шу боис Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси тизимидаги ёнғин хавфсизлиги бўлинмасига келиб, кўнглидагини айтди.

Гапнинг рости, ўша даврда ҳам, ҳозирги кунда ҳам бу хизматда фаолият кўрсатиш осон эмас. Бу борада соҳадагилар орасида ўт ўчирувчиларнинг нони қаттиқ, аммо тотли бўлади, деган нақл юрарди. Буни янги иш бошлаганларга тез-тез эслатиб туришарди. Ўша кездаги мутасаддилар Наби Каримовга бу нақлни эслатиб ўтиришмади. Чунки ундаги шижоат, соҳага жиддий қизиқиш бунга ҳожат қолдирмаганди.

Хизматлар жараёни, тайёргарлик ва синов машғулотларида, аҳоли ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғин хавфсизлигининг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларида ҳамкасблари орасида салоҳиятини кўрсатиб, раҳбарлар ишончини оқлади. Айниқса, Тошкент авиация заводи (1957 йил), Ҳозирги Миробод туманидаги касб-ҳунар билим юрти (1958 йил), Мирзо Улуғбек туманидаги болалар боғчасида (1960 йил) эътиборсизлик ҳамда газдан нотўғри фойдаланганлик оқибатида келиб чиққан катта ёнғинларни бартараф қилишда шу соҳанинг ҳақиқий яловбардорларидан бири эканлигини кўрсата олди.

Меҳнат фаолияти мазмунини фақат бир жойда ишлаб туйган ва шу жойдан кексалик гаштини сураётган инсон ҳақида гап бораркан, яна бир фикрга алоҳида эътибор қаратиш ўринлидир.

– Наби акани ёшлигимдан яхши биламан, – дейди юнусободлик меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Маҳкам Қўчқоров. – Олтмишинчи йилнинг кузи эди. Эрталаб ишга кетаётсам болалар боғчаси атрофини тумонат одам ўраб олган. Олов осмон баравар кўтарилар, кимдир челакда сув ташир, бошқаси қум, тупроқ сепарди. Аммо ҳеч ким юрак ютиб, ёнғинга яқинлаша олмасди. Шу олов ичидан ёнғин хавфсизлиги мутахассислари кичкинтойларни опичлаб соғ-саломат олиб чиқишди. Улар орасида Наби акани кўриб, унга яқин бордим. Икки қўлида икки нафар норасида гўдакларни кўтариб олган, лекин ўзининг ҳамма ёғи оловдан куйганди. Эсимда, у киши жароҳатидан зорланмади, аксинча, оғир вазиятда кимларнингдир хонадонига қайта қувонч олиб кирганидан хурсанд эди. Ҳар гал ёнғин хавфсизлиги ходимларини кўрсам улар хизматига ҳавасим ортади, ифтихор туяман...

Наби ака Каримов мазкур бўлинма сафларида йигирма йил хизмат қилиб, завол кўрмади. Аксинча, ҳаёт синовларига чиниқиб, касб маҳоратини оширди, дўстлар орттирди. Хизмат даврида катта-кичик бўлсин, 400 дан зиёд ёнғинларни бартараф этишда қатнашиб, бир қанча хонадонларни ўт балосидан, кишилар ҳаётини эса бевақт хазон бўлишидан сақлаб қолишдек масъулиятли ишда намуналар кўрсатди, ўнлаб шогирдларни тарбиялади.

Йиллар ўтгани сари хотиралар ортда қолиб, тарихга айланаркан. Наби аканинг ҳам Иккинчи жаҳон уруши ва ёнғин хавфсизлиги бўлинмасида ишлаган кезлари билан боғлиқ бир умр эсда қоларли хотиралари жуда кўп. Бу ҳақда яна кўп ёзишга арзигулик манбалар бисёр. Ҳолбуки, ҳаётга қандай келган бўлса, шундайлигича умрни бесамар ўтказаётган, элга, халққа, ҳатто, ўз хонадонига ҳам нафи тегмаётганлар орамизда топилади.

Халқимизда: «Яхшилик қил, дарёга ташла, балиқ билар, балиқ билмаса, холиқ билар», деган ҳикмат бор. Наби Каримовнинг умр мазмуни ва ҳаёт сўқмоқлари одамларга яхшилик қилиш, қалбларга қувонч олиб киришларга лиммо-лим.

Қирқ йилдирки, у киши нафақада. Аммо бу даврнинг қирқ дақиқасини ҳам бесамар ўтказмаяпти, деса ишонинг, бу бор гап. Ёшлари саксон бешда бўлса ҳам аскарлардай чаққон: шу боисдан бўш вақт топди, дегунча ё Тошкент тумани ИИБ ёнғин хавфсизлик бўлинмасига бориб ёшларга маслаҳатлар беради ёки дўппидеккина келадиган ҳовлисида боғдорчилик ишлари билан шуғулланаётганини кўриш мумкин. Бундан ташқари, у кишининг одамохунлиги ва ширинсуҳанлиги ўзи истиқомат қилаётган Ҳалимкўп маҳалласидагиларнинг жони-дили. Гузарда ўтаётган тадбирлар, гиёҳвандликка қарши, ақидапарастлик, ёшлар таълим-тарбиясига бағишланган учрашув ҳамда мулоқотларда Наби отанинг ҳаётий тажрибалари айниқса, асқотмоқда. Ана шу маҳалладан сўнгги ўн йилда бирорта ҳам жиноятга дахлдор иш ёки кўнгилсиз воқеаларнинг содир этилмаганлигида у кишининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини шу ерда яшовчилар фахр ила эътироф этишади.

У кишининг ҳалол меҳнатлари истиқлол йилларида янада қадр топди. Президентимиз Фармони билан «Жасорат» медали билан тақдирланди. Ҳар йили Ички ишлар вазирлигининг йўлланмаси билан республикамиздаги энг сўлим санаторийларида дам олиб, соғлигини тиклаб қайтади. Касб байрамлари ва тадбирларда ҳамкасблар, шогирдлар ҳамда бошқа хизмат ходимлари тез-тез йўқлаб туришади.

– Эй болам, шу кунларни не интизорликлар ила кутмадик, – дейди отахон. – Аждодларимиз орзу қилган истиқлол неъматларидан баҳраманд бўлиш насиб этганига шукроналар айтаман. Ахир, қанчадан-қанча ҳамкасбларим шу кунларни кўриш истагида эди, афсус...

... Туни билан майдалаб ёққан баҳорий ёмғир танага ором бағишлайди. Очиқ деразадан эсаётган майин шабада Наби акани шижоатга чорлайди. Саҳар туриб, ўзи яратган боғини айланиб, сарамжон-саришталиқдан кўнгли таскин топади. Ариқ бўйидаги гулларга термулади, очила бошлабди, кўнглидан ўтказади у. Раҳматли турмуш ўртоғи Кимё опа умрининг сўнгги кунларида эканди уларни. Мана, орадан тўрт йил ўтибди, умр оқар дарёга ўхшайди, деганларича бор экан.

Набиралари чақиришмаганида ким билади, дейсиз хаёл қурғур яна қаерларга олиб қочмасди. Айтганча, сал бўлмаса ёддан кўтарилаётибди, бугун туман ички ишлар бўлимига таклиф қилишган, ёшлар билан учрашув бўлади, дейишганди. Шошилмаса, кечикиб қолиши мумкин. Ҳа, Наби отанинг ҳозири ҳам аввалидай яхшиликларга тўла. Ҳар куни қайсидир маънода кўпга нафи тегади, ўзини ана шу хислатлар сари интилтиришга одатланган. Аслида самарали умр кечиришнинг мазмуни ҳам шундан бўлса, не ажаб...

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
журналист.

Маърифат дарси

ЭЪЗОЗЛАНАР ИНСОНЛАР ҚАДРИ

Ҳозир баҳор айни сепини ёйган пайт эмасми, бутун борлиқ яшилликка бурканган, боғларда асаларилар ғужғон ўйнайди, яшнаган қир-адирларнинг файзи ўзгача, осмонда чарх ураётган кабутарлар кишига завқ бағишлайди. Инсон умрининг зийнати, дилга ажиб туйғулар бахш этувчи бетакрор онлар бу. Одамзод дунёга келибдики, умрининг тўрт фасли ана шундай жозибали, фарахбахш бўлишини истайди. Серқуёш ўлкамизда яшаётган ҳар бир миллат, элат ҳам фаровон ҳаёт қуриш, эл-юрт тинчлигини сақлаш, Ватан равнақи учун жон фидо қилиш, инсон қадр-қимматини улуғлаш каби эзгу мақсадлар сари интилмоқда.

Ушбу тамойиллар истиқлол йилларида янада сайқал топди. Айниқса, илм-фан, маданият, дин ривожига муносиб ҳисса қўшган олиму фузалолар, алломалар, шу заминда туғилиб вояга етган ва мангу ором топган азиз-авлиёларимиз руҳини шод этишга алоҳида эътибор берилаяпти. Кейинги пайтда Бухорода Абдухолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбандий, Самарқандда Имом Бухорий ва Имом Мотуридий, Марғилонда Бурҳониддин Марғиноний, Тошкент шаҳрида Ҳазрати Имом сингари мажмуалар барпо этилди. Айни пайтда бу жойлар нафақат ватандошларимиз, балки чет элликлар ҳам ташриф буюрадиган муқаддас қадамжоларга айланган. Бундан ташқари, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия сингари алломалар, ёзувчи ва шоирларимиз ҳайкали барпо этилди. Яна бир қувончли томони, ўзида инсоний фазилатларни намоён этаётган, яъни кексалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларга меҳр-мурувват кўрсатиш истагидаги саховатпеша юртдошларимиз янада кўпайди.

Мамлакатимиз аҳли 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш арафасида турибди. Бинобарин, Иккинчи жаҳон уруши жангтоҳларида душманга қарши курашда жон олиб, жон берган ўғлонларимиз жасорати асло унутилмайди. Ўша кезлари туну кун дастгоҳлар олдида ишлаб, ўзи оч-наҳор бўлса-да, топганини жангчиларга илинган ватандошларимиз матонати уларникидан қолишмайди. Байрам арафасида шаҳар ва қишлоқлар, маҳаллалар гузарларида қад ростлаган Мотамсаро она ҳайкалининг пойи турфа гуллар ва баҳор чечакларига буркалади. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлади. Бу табаррук масканга тошкентликлар, шунингдек, узоқ ва яқиндан келган меҳмонлар ташриф буюришади. Улар Мотамсаро она ҳайкали қаршисида бош эгиб, уруш қатнашчилари номи ва хотирасини ёдга олишади. Шунингдек, Хотира китобини кўздан кечириб, бу ёруғ оламдан ўтган яқинларига ҳурмат бажо келтиришади. Унинг зарҳал варақларига 435 минг нафар ўзбек фарзандларининг номи абадий муҳрлаб қўйилган.

Ўтган йили Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Хотира майдонида ўтказилган тантанада Президентимиз Ислом Каримов: «Бугунги эркин ва озод ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз учун жон берган, ҳалок бўлган ватандошларимизни эслаш, орамизда яшаб келаётган уруш қатнашчиларини қадрлаш ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздир», деган эдилар. Юртбошимизнинг бу сўзлари амалда ўз исботини топмоқда. Президентимизнинг шу йил 24 мартдаги Фармонига биноан Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронлари юбилей медали ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланади. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши давлатимиз томонидан фронтда оловли йўлларни босиб ўтган ота-боболаримизга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёркин ифодасидир.

Уруш қатнашчилари орасида ички ишлар ходимлари ҳам борлиги қалбимизда фахр туйғуларини уйғотади. Ўша суронли даврда эгнидаги хизмат кийимини шинелга алмаштирган ҳуқуқ-тартибот посбонлари босқинчи-газандаларга қарши курашда мардлик ва жасорат кўрсатишди.

Мўйдин Ҳасанов фронтга чақирилгунга қадар Фарғона вилояти Қува тумани ИИБ паспорт столи бошлиғи эди. У жангларнинг бирида душман танкини яксон этиб, автоматдан бир нечта аскарни ер тишлатди. Бу билан бўлинма жангчилари муваффақиятли ҳужумга ўтишини таъминлади. Ушбу жасорати учун у юксак мукофот билан тақдирланган. Урушдан сўнг Мўйдин Ҳасанов Қувага қайтиб, яна ўз вазифасини давом эттирди.

1945 йил 24 июнда Москвада бўлиб ўтган Ғалаба паради иштирокчиси Ғани Валиев кўплаб жанговар орден ва медаллар соҳибидир. У урушга разведка взводи командирининг ўринбосари вазифасида кирди. 1945 йилнинг охирида Берлиндаги жанг пайтида душманга ҳужум уюштириб, 14 та газандани йўқ қилди, тўрт нафарини эса асирга олди. Урушдан сўнг узоқ йиллар Наманган вилояти ички ишлар идораларида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатди.

Катта лейтенант Ғ. Усмонов Иккинчи жаҳон урушида 39-гвардиячи полк сафида Вена, Будапешт шаҳарларини озод қилишда қатнашди. Урушдан кўкси тўла орден ва медаллар билан она юрти Андижонга қайтиб келди. Участка вакили лавозимида ишлаётганида бир неча марта қамалган жиноятчи билан олишувда ҳалок бўлди. Унинг номи ўзи хизмат қилган бўлинма шахсий таркиби рўйхатига абадий киритилган.

Исм-шарифлари келтирилган бу инсонлар ҳозир орамизда бўлмаса-да, мазмунли ўтган ҳаёти, тинчлик ва осойишталикни сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари хотирамизда бир умр сақланиб қолади. Урушдан сўнг тинчлик пайтда ҳам ўз бурчига содиқ қолаётган ҳуқуқ-тартибот посбонлари кўпчиликни ташкил этади. Тошкент вилояти ИИБ ҳовлисидаги Мотамсаро она ҳайкали бу ерга ташриф буюраётганларнинг эътиборини дарҳол тортади. Мармар тошга хизмат чоғида ҳалок бўлган қирқ олти нафар ички ишлар ходимининг исм-шарифи ёзиб қўйилган. Уларни ўқир эканмиз, турли миллат вакиллари эканлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, Қибрай тумани ИИБ ДАНБ йўл-патруль хизмати инспектори, катта лейтенант Рихсивой Масалиев – ўзбек, Оҳангарон тумани ИИБ жиноят қидирув бўлинмаси тезкор вакили, катта лейтенант Лев Ким – корейс, Ўртачирчиқ тумани ИИБ ДАНБ йўл-патруль хизмати бўлинмаси инспектори, кичик лейтенант Александр Бескостин – рус, Тошкент вилояти ИИБ ЖТСБ инспектори Геннадий Газиянц – арман, Юқоричирчиқ тумани ИИБ участка тезкор вакили, лейтенант Қўчқор Дўстоев – тожик. Бу йигитлар турли миллатларнинг фарзанди бўлса ҳам мақсадлари битта – юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш эди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти катта ҳаёт синовидан ўтган уруш ва ички ишлар идоралари фахрийларини қўллаб-қувватлаш, хизмат чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оиласига кўмаклашиш ва номларини абадийлаштириш учун бор имкониятларни ишга солаяпти. Ҳар йили фахрийларни санаторийларга юбориб соғлиғини тиклаш, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, хизмат чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандларига ҳомийлар кўмагида ўқув қуроллари ва бошқа зарур нарсалар олиб бериш, ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришини ташкиллаштириш диққат марказида. Футбол бўйича Фарғона, Жиззах вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида марҳум генерал-майорлар Ғулом Зокиров, Ёрилла Норбеков ва Ислом Сатторовларнинг хотира-турнирини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Генерал-майор Комилжон Ғофуровнинг номи ўзи яшаган Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги маҳаллага берилган. Шинам қурилган гузарга бюсти ҳам ўрнатилган. Урганч тумани Ғойбу қишлоғидаги кўчалардан бири террорчилар билан олишувда ҳалок бўлган вилоят ИИБ ЙХҲБ ЙПХ инспектори, старшина Фарҳод Собиров номи билан аталмоқда. Хизмат пайтида ҳалок бўлган Ҳасан Раҳматовнинг номи Тошкент тумани Чувалачи қишлоғида умр йўлдоши Мукаррам оиласи билан истиқомат қилаётган кўчага қўйилган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу кунларда республика ИИВ Фахрийлар кенгаши томонидан ғалабанинг 65 йиллигига бағишлаб эсдалик альбоми тайёрланмоқда. Унда фронтларда жанг қилиб, урушдан кейин ички ишлар идораларида хизмат қилган инсонларнинг ҳаёти ва жанговар йўли ҳақида ҳикоя қилинади. Фахрийларнинг кўпчилиги бугунги кунда ҳам сафда бўлиб, ёш ички ишлар ходимлари, Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари курсантлари ва тингловчиларини Ватанга муҳаббат, касбга садоқат руҳида тарбиялашда фаол иштирок этишмоқда. Улар орасида Сталинград жанги иштирокчиси, кейинчалик узоқ йиллар Самарқанд вилояти ИИБ бошлиғи бўлиб ишлаган, истеъфодаги генерал-майор Тилла Абдуллаев бор. Истеъфодаги полковниклар А. Отабеков, Т. Ибрагимов, подполковник В. Мокринскийлар қарийб ярим асрлик умрларини ички ишлар соҳасига бағишлашган. Альбомдан шунингдек, ҳозирда орамизда бўлмаган Иккинчи жаҳон уруши ва ички ишлар идоралари фахрийлари ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳда тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Ички ишлар вазирлиги тизимидаги барча ўқув юртларида уруш ва ички ишлар идоралари фахрийлари билан учрашувлар ўтказилаяпти.

Бундан ташқари, айём муносабати билан ички ишлар идоралари фахрийларининг суратлари ўрин олган стенд ташкил этилди. Ички ишлар вазирлиги Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати билан ҳамкорликда ёш ходимларга байрам мурожаати тайёрланмоқда. Байрам арафасида кенгаш аъзолари бетоб кексаларнинг уйларига бориб йўқлашади, таваллуд топганларни эса қутлуғ кун билан табриклашади. Айни пайтда уруш қатнашчиси, узоқ йиллар Тошкент шаҳар ИИБ бошлиғи бўлиб ишлаган И. Қаландаровнинг 100 ёшлик тўйини ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Фахрийлар бир неча марта музейларда бўлишди, автобусда шаҳар бўйлаб саёҳат уюштиришди.

Бир сўз билан айтганда, Хотира ва қадрлаш куни шарофати билан озод Ватанимиз келажаги, тинчлик ва осойишталикни сақлаш учун курашган инсонларнинг ҳурматини жойига қўйиш, ўтганларнинг руҳини шод этиш қадрият даражасига кўтарилди. Бу эса юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг қалбини чексиз фахр ва ғурурларга тўлдиради.

Саъдулла ШОДИЕВ.

Фидойи ҳамкасбларимиз

ТАХТАКЎПИРЛИК ПОСБОН

Қорақалпоғистон Республикасининг ғарбида жойлашган мазкур туманда иқлим шароити оғир бўлишига қарамай қишлоқ хўжалиги соҳасида кутилган натижаларга эришилаётгани ва жойларда овулларга хос инфратузилма шаклланаётгани турли миллат вакилларининг ҳамжиҳатлигидан далолат беради. Албатта, бундай чегара ҳудудда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарорликни таъминлаш ички ишлар ходимларидан катта масъулият талаб қилади. Жумладан, Тахтакўпир тумани ИИБ ҲООГ профилактика инспектори, капитан Аманияз Қаниязов ўз фидойилиги билан халқ ишончини қозониб келаяпти.

А. Қаниязов касбини жуда ардоқлайди, кураш бўйича ИИВ тизимида ўтказилган кўплаб мусобақаларда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган. Халқимизнинг катта байрамлари ҳам Аманияз полвоннинг ғалабаси билан янада қизиқарли ўтади. Унинг жисмоний жиҳатдан бақувватлиги хизматда шубҳасиз асқотмоқда.

Ёз кунларининг бири. Қуёш ётоғига ёнбошлаган бўлса-да, даштда иссиқнинг тафти ҳали қайтмаган. Ҳудудни айланиб юрган капитан Аманияз Қаниязовда чанг-тўзон кўтариб келаётган «Нива» машинаси шубҳа уйғотди. У машинани тўхтатганида салонда ўтирган савлатли йигитлар овга чиқишганини айтишди. Ўзи ҳам зўр овчи бўлган капитан уларнинг ёлғон гапираётганини сезиб, машинани текшириб кўрмоқчи бўлганида барзангиларнинг нияти бузилди. Бўлиб ўтган қисқа олишувдан сўнг ҳар томонда қийшайиб, инқиллаб ётган шоввозлар Қозоғистондан айланма йўллар орқали ярим тоннага яқин спирт олиб келишаётганини айтишди.

– Эрталаб дўконга кириб ҳеч нарса сезмагандим. Бироқ сал вақтдан кейин баъзи нарсалар йўқолгани маълум бўлди. Дарҳол капитан Аманияз Қаниязовга хабар бердим. Эшик ва деразаларнинг бутунлиги, қулфларнинг жойида эканлиги мени жуда ажаблантирди. Дўконни обдон кўздан кечирган профилактика инспектори бурчақдаги пол тахталари жойидан кўчганини пайқади ва бу ҳақда ҳозирча ҳеч кимга айтмаслигимни тайинлади. У шу куни тунда менга қўнғироқ қилиб, зудлик билан дўконга етиб келишимни сўради. Келсам дўкон олдида ички ишлар ходимлари туришибди. Ичкаридан танишим Абсаметни олиб чиқишди. Кўзларимга ишонмай профилактика инспекторига қарадим. У менга дўкон орқасидаги тешикни кўрсатди. Маълум бўлишича, капитан А. Қаниязов тунда кузатувни давом эттириб, Абсамет ичкарига кирмоқчи бўлганида ушлаган экан. Халқ осойишталиги йўлида ўз хузур-ҳаловатини ўйламайдиган бундай фидойи ходимдан бир умр миннатдормиз, – дейди сотувчи Анипа опа.

«Тахтакўпир» овул фуқаролар йиғини ҳудудида 500 дан зиёд оила мавжуд. Овул фаровонлигини ошириш, маиший хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш мақсадида қатор шохобчалар ташкил этилган. Барча эҳтиёжлар шу ерда қондирилаётгани учун аҳолининг республика пойтахтига боришига ҳожат қолмади. Шу жиҳатдан янги милиция таянч пунктининг қурилиб фойдаланишга топширилгани ҳам кўплаб қулайликлар яратди. Қишлоқ кўркига кўрк қўшган, замон андозаларига мос бўлган мазкур бинода барча шароитлар мавжудлиги профилактик ишлар самарадорлигининг ошишига мустаҳкам замин яратди.

Биз тилга олаётган 117-милиция таянч пункти "Намунали милиция таянч пункти" республика кўрик-танловида учинчи ўринни қўлга киритгани ҳам фикримизнинг далилидир. Ўтган йилларда овулда жиноятчилик, жумладан, оғир жиноятларнинг кескин камайгани, ҳуқуқбузарликларнинг олди олинаётгани муайян ютуқлар қўлга киритилаётганини кўрсатиб турибди.

Профилактика инспектори, капитан Аманияз Қаниязов ҳавас қилса арзигулик оила соҳиби ҳамдир. Турмуш ўртоғи Равшаной эл соғлиги йўлидаги беминнат хизмати билан халқнинг меҳрини қозонган. Шернияз Раметов акасига ҳавас қилиб, ички ишлар ходими бўлди. У Чимбой тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимида хизмат қилмоқда, сафдор. Аманиязнинг икки яшар ўғли Алпомиш ҳозирча ўзига қўйилган исмнинг маъзини чақа олмас. Бироқ улғайгач отасига ўхшаш полвон бўлишига шубҳа йўқ.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.

Суратда: *профилактика инспектори, капитан Аманияз Қаниязов овул фаоллари билан.*

Муаллиф олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси.

Мулоҳаза

КОМПЬЮТЕР – БОЛАНГИЗГА ФОЙДАМИ, ЗАРАР?!

Бундан бир неча аср муқаддам одамлар бир-бирларига мактубни ўргатилган каптарлар ёки отлиқлар орқали етказиб, ўзаро мулоқотга киришарди. Вақт ўтиши билан улар ўрнини почта қутиларию, хат ташувчилар эгаллади. Техника шу даражада тараққий этдики, кейинги пайтда буларга ҳам деярли эҳтиёж сезилмай қолди. Чунки эндиликда барча ишларимизни телефон ва компьютер орқали битирадиган бўлдик.

Компьютер ҳақида гап кетганда шуни айтиш лозимки, унинг ўзига хос афзалликлари бор эканки, инсон ақлини лол қолдириб келмоқда. Ўзида сонсаноқсиз маълумотларни мужассам этган Интернет тизими дастлаб АҚШда ҳарбий мақсадда яратилган бўлса, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай дунё саҳнини эгаллади. Ундан кўпчилик ахборот ва маълумотлар манбаи сифатида фойдаланаяпти. Ахборотлар оқими тиғизлашган бир пайтда бундай қулайлик бизнинг олийгоҳда ҳам қўл келаяпти. Устозларимиз ва талабалар компьютерларга уланган Интернет тармоғи орқали республикамиз ва жаҳонда рўй бераётган ўзгаришлар, янгиликлардан хабардор бўлишаяпти.

Аммо яна бир томони борки, пойтахтимиздаги айрим Интернет-кафеларда ёшлар ур-сур ўйинлар ўйнашаяпти, қўрқинчли фильмлар томоша қилишмоқда. Яқинда бунга ўзим гувоҳ бўлдим. Гавжум Интернет-кафега кириб, керакли маълумотларни топиш учун бир қанча сайтларни очиб кўришимга тўғри келди. Ишим ўйлаганимдан кўра анча осон битди. Тан олиб айтиш керак, интернет узоғимизни яқин қилувчи, мушкулимизни осонлаштирувчи энг қулай, арзон ҳамда юқори тезликда ишловчи тармоқдир. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, исталган жойдан туриб дунёни кузатасиз, ундаги воқеа-ҳодисаларга хоҳлаган тарзда муносабат билдираоласиз, олисдаги яқинингиз билан электрон почта орқали суҳбатлашиб, камерада тасвирини кўриб турасиз, хатлар ёзасиз. Бундан ташқари, ўзингизга керакли сайтлардан хоҳлаганча маълумотлар олишингиз, хуллас, дунё билан ҳамнафас яшашингиз мумкин. Бундай интернет провайдерларининг яратилиши қанчадан-қанча инсонларнинг қизиқишини орттирмоқда.

Хаёлга берилиб қолган эканман, шовқиндан ўзимга келдим. Компьютерлар қаршисига михланиб қолган ўсмирлар зўр бериб ўйин ўйнашаяпти. Экранларга нигоҳ ташласангиз худди ўзга сайёрага тушиб қолгандек сезасиз, ўзингизни. Кузатиб кўрсам, бу ерга ташриф буюрганлар мавжуд 24 та компьютердан атиги 7 тасидагина фойдали сайтлар билан ишлашаётган экан.

Бу ҳолни кўриб, яқингинада ўн ёшли ўғлининг хархашасидан безор бўлган қўшним унинг «овозини ўчириш» учун қўлига пул бериб, компьютер хонага чиқариб юборгани ёдимга тушди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай у қайтиб келди.

– Дада, яна пул беринг, – деди ўғил тунд аҳволда. – Ўртоғим Акмал мендан кўп махлуқларни уриб йиқитди, ундан ортда қолиб кетяпман. Қўшним бир тўнғиллади-да, қўлига пул тутқазиб осонгина «қутулди».

Тавба, асабларни қақшатадиган бундай ур-сур ўйинлардан ким фойда кўради? Шу «бизнес» орқасидан кун кўраётганларми? Наҳотки, уларнинг фарзандлари бундай ўйинларни ўйнашмайди?! Ота-оналарчи, нега фарзандлари тарбиясига бефарқ қарашади, уларни китобга, спортга қизиқтиришмайди. Ур-йиқит, олатасир ўйинлар, «chat»даги маза-матрасиз суҳбатлар ёшларга нима беради, ахир?! Ана шулар ҳақида ўйлаб кўрсак фойдадан холи эмас.

Зуҳра БЎРИЕВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

Ибрат

ХАЛОСКОРЛАР

Ёнғин хавфсизлиги хизмати тизимида меҳнат қилиш учун ҳар бир ходимнинг юраги бутун, ақлан ва жисмонан соғлом бўлиши даркор. Юқори ҳароратда ёнаётган бинога кириб, оловни даф этиш мардлик ва жасорат талаб этади.

Пойтахтнинг Собир Раҳимов тумани Тансиқбоев–2 даҳаси, 1-уйда жойлашган «Бекзод-нон» хусусий корхонасига қарашли қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехида ёнғин содир бўлди. Инсонлар ҳаёти хавф остида эканлиги ҳақида Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ марказий диспетчерлик хизматига хабар тушди. Собир Раҳимов тумани ИИБ ЁХБ 12-ХЁҲҚ 2-смена бошлиғи, капитан Зокир Юлдашев бошчилигидаги 2 та жанговар ёнғин ўчириш экипажи биринчилардан бўлиб воқеа жойига етиб борганда бино олов қуршовида қолган эди. Ходимлар кириш эшиги ичкаридан қулфланган, деразадан қуюқ тутун чиқаётганини кўришди. Йўлак олов билан тўсиб қўйилганди. Ичкарида эса одамлар бор, улар заҳарли тутундан димиқиб, ҳаётдан кўз юмишлари мумкин.

Малакали ёнғин ўчирувчилар – қисм экипаж командири, катта сержант Улуғбек Ҳайдарбеков, кичик сержант Кенес Кулмоновлар цех эшигини бузиб кириб, оловни тезда бартараф этишди. Командир Ниғмат Пирматов ва смена бошлиғи Зокир Юлдашев бошчилигида хонада заҳарли тутундан димиқиб, ҳушини йўқотган Ж. Мамиров, У. Умиров ва А. Абдуманноповларни қутқаришга киришилди. Улар етиб келган «Тез ёрдам» машинасида Республика шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш марказига юборилди. Ёнғин ўчирувчиларнинг саъй-ҳаракати туфайли уч навқирон йигит тан жароҳати олмай, омон қолди.

– Қўлбола электр асбоби ишлатилиши натижасида ёнғин содир бўлди, – дейди қутқарилган йигитлардан бири Улуғбек Умиров. – Аввалига ўзимиз ўчирмоқчи бўлдик. Лекин олов бир зумда эшик томонда кучайиб, йўлакни беркитиб қўйди. Ростини айтсам, жуда қўрқиб кетдик. Дераза орқали чиқмоқчи эдик темир панжара жуда мустаҳкам ўрнатилган экан. Яхшиям ўз ишининг устаси бўлган ёнғин ўчирувчилар бор экан. Уларнинг саъй-ҳаракати билан ота-онамиз, яқинларимиз бахтига омон қолдик.

Ёнғинни қисқа муддатда ўчириб, олов қаъридан инсонларни соғ-саломат олиб чиққан ёнғин ўчирувчилар Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси раҳбарияти томонидан Фахрий ёрлиқ ҳамда пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

Муслима РАҲИМОВА,
катта лейтенант.
Бунёд ШОРСОДИҚОВ,
капитан.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Тошкент шаҳар ИИББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи, полковник **Азиз ЭРНАЗАРОВ**ни таваллуд топган куни билан самимий табриклаймиз, устозимиз, ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, яна кўп йиллар фарзандлари, шогирдлари ва сафдошлари даврасини тўлдириб юришини тилаймиз.

Бўлим шахсий таркиби ва ҳамкасблари.

Фарғона шаҳар ИИБ ташкилий-инспекторлик бўлими катта инспектори, майор **Ўктамхон КАРИМОВА**ни туғилган куни билан самимий табриклаймиз. Унга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, оилавий бахт, хизматида улкан ютуқлар тилаймиз. Ҳонадонидан файзу барака, чеҳрасидан табассум аримасин.

Эҳтиром ила Муаззам, Тимурмалик, Муҳайёхон.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

ЭПЧИЛЛАР БЕЛЛАШИШДИ

Республика «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти режасига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасида XIX-Спартакиада дастурига киритилган енгил атлетика мусобақаси ўтказилди. Унда ўнта жамоа вакилларидан иборат 120 нафар енгил атлетикачилар ғолиблик учун баҳс олиб боришди.

Муросасиз ва қизиқарли кечган беллашувлар натижасига кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Ўзбекистон Республикаси МХХ жамоаси эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Тошкент шаҳар ИИББ ва ИИВ Академияси жамоаларига насиб этди.

Шахсий биринчилик баҳсларида республика МХХ вакилларидан Ю. Киршин, К. Ташпулатов, М. Жалилов, Тошкент шаҳар ИИББ жамоасидан Н. Холодов ва ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртидан А. Коромислов шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Ғолиб ва совриндорлар Фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Ф. АЗИЗОВ.

МИНИ-ФУТБОЛ

ҒОЛИБ – ҚЎРИҚЛАШ БЎЛИМИ ХОДИМЛАРИ

Яқинда Жиззах шаҳридаги олимпия захиралари спорт коллежида вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари жамоалари ўртасида мини-футбол бўйича вилоят кубоги учун мусобақа бўлиб ўтди.

Беш кун давом этган мусобақаларда 13 та жамоа ғолиблик учун баҳс олиб борди. Финал учрашувида мусобақанинг кучли жамоалари майдонга тушдилар. Ҳар томонлама яхши тайёргарлик кўрган жамоаларнинг ўйинлари жуда қизиқарли рухда ўтди.

Биринчи ўринни вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими спортчилари қўлга киритдилар. Иккинчи ва учинчи ўринларни вилоят хўжалик суди жамоаси ҳамда прокуратураси мини-футбол жамоалари эгаллади.

Ғолиб ва совриндорларга Фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ,
майор.

Жиззах вилояти.

АҚЛ ЧАРХИ

Газетамизнинг 10 апрелдаги 15-сонида берилган машқларга қуйидаги мухлисларимиз тўғри жавоб йўллашган: **Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани ИИБ ходими, кичик сержант Мансурбек Раҳимов, Урганч шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходими, кичик сержант Ҳасан Қурбонбоев, Бухоро вилояти Олот тумани ИИБ ходими, сержант Содиқ Пириев ҳамда Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ ходими, сафдор Шерзод Бегалиев.**

Жавоблар қуйидагича:

Икки юриш. **1. Рух g5; Рух c2. 2. Отxe3#.**
Уч юриш. **1. Фил g4; Пиёда f2. 2. Фарзин h1; Фил h1x. 3. От f7#.**

НАВБАТДАГИ МАШҚЛАР:

Оқлар бошлаб, икки юришда мот қилади.

Жавобларингизни 232-05-51 (факс)га жўнатишингиз ёки 231-40-92 рақамли телефон орқали билдиришингиз мумкин.

Оқлар бошлаб, уч юришда мот қилади.

Футбол бўйича Жаҳон чемпионати олдидан

ШОВ-ШУВЛИ ЎЙИНЛАР

FIFA

1958 йилга Жаҳон чемпионати Швецияда бўлиб ўтди. Ҳозирги кунги мусобақаларга ўхшаган чемпионат айнан шу даврдан бошланган. Ўша пайтдан бошлаб Европа, Жанубий Америка, Шимолий ва Марказий Америка, Африка ва Осиёда саралаш босқичлари ўтказилган. Олтинчи жаҳон чемпионатидан бошлаб футбол бўйича чемпионатларнинг тартиб-қоидалари деярли тўлиқ ва мукаммал ҳолатга келтирилди. Мазкур чемпионатда Бразилия ўзининг жаҳонда тенгсиз эканлигини исботлади. 17 ёшли Пеле, яъни бўлажак футбол қироли ва афсунгар Гарринча (чап оёғи ўнг оёғидан калтароқ бўлган футболчи)ни бутун дунё таниди.

ФИФА иқтисодий турғунлик даврини бошидан кечираётган Чили давлатида 1962 йилги чемпионатни ўтказишга қарор қилди. Устига-устак 1960 йил Чилида кучли зилзила бўлди. Зилзила натижасида кўплаб инсонлар ҳаётдан кўз юмди. Чилининг гўзал шаҳарлари харобаларга айланиб қолди. Шундан сўнг ФИФА жаҳон чемпионатини Аргентинага кўчирмоқчи бўлди. Фақатгина Чили Футбол федерациянинг раҳбари Диттборннинг ФИФА анжуманида «Чилида энди ҳеч нарса қолмади, ҳеч бўлмаса чемпионатни бизда қолдиринглар» деган илтимоси билан мамлакат миллионлар ўйинининг энг нуфузли жаҳон мусобақасини ўтказиш ҳуқуқини сақлаб қолди. Чили пойтахти Сантягода эса Миллий стадион қурилди. Ушбу Жаҳон чемпионати айнан Чилида ўтказилиши учун энг кўп тер тўккан Диттборнга бу футбол байрамини кўриш насиб этмади. Оғир касаллиги туфайли чемпионат бошланишига бир ой қолганида вафот этди. Чилиликлар Арикдаги стадионни унинг номи билан атадилар. Ҳалигача уни ҳақиқий қаҳрамондек улуғлашади.

Ҳал қилувчи ўйинлар олдидан шов-шувга сабаб бўлган воқеалар ҳам бўлди. Гап шундаки, чемпионатнинг энг яхши ўйинчиси Гарринча олдинги ўйинда четлаштирилгани учун у финал ўйинида қатнаша олмас эди. Бразилия раҳбарлари ФИФАдан Гарринчадан дисквалификацияни олишни илтимос қилишди. Уларнинг илтимослари қондирилгач, чилиликлар ҳам ярим ҳимоячи Рохасни кечиришларини илтимос қилдилар. ФИФА майдон эгаларининг ҳам илтимосларини қондирди. Учинчи ўрин учун бўлган учрашувда улар ўйин тугашига фақатгина 40 сония қолганда ғалаба тўпини ура олдилар. Айнан шу ғалаба тўпини Рохас дарвоза тўрига йўллади. Финал учрашувида эса Бразилия Чехословакия устидан ғалаба қозонди ва иккинчи бор Жаҳон кубогини қўлга киритди.

Англияда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионати бошланишидан бир оз аввал нохуш воқеа юз берди. Сабаби Вестминстер саройидан Олтин Ника ўғирланди. Бир ҳафталик қидирувдан кейин уни топишди. Шундан кейин уни жаҳон гавҳаридек сақлаб авайлашадиган бўлишди.

Жаҳон чемпионатида Бразилия гуруҳ босқичидан чиқа олмагани, КХДРнинг кучли ва мазмунли ўйини барчани ҳайрон қолдирди. Чемпионатнинг энг яхши ўйинчиси Эйсебио Португалиянинг қаҳрамонига айланди. У неча бор ўз терма жамоасини чорасиз ҳолатлардан қутқариб қолди. Бир ўйиннинг ўзида тўртта гол муаллифи бўлиб рекорд ўрнатди. Чемпионат шафқатсиз ўйинларга тўла бўлди. Бунинг натижасида кўпгина машҳур футболчилар жабр кўрди. Футбол қироли Пеле ҳам оғир жароҳат олди ва Бразилия ҳатто гуруҳ босқичидан чиқа олмади. Футбол қироли Пеле жаҳон чемпионатини кўз ёшлари билан кузатди. Финалда Англия билан Германия терма жамоалари учрашди. Бунда туманли Альбион – Англия биринчи бор жаҳон чемпиони бўлди. Финал учрашувининг энг кўзга кўринган кишиси ёрдамчи ҳакам Тофиқ Баҳромов эди. Сабаби 1:1 ҳисоби давом этаётганда Англия терма жамоаси иккинчи голни Германия дарвозасига киритади. Бош ҳакам голни аниқлаш мақсадида қанот ҳакамига мурожаат қилади. (Чунки гол дарвоза тўсинига тегиб дарвоза ичига тушганди, лекин ҳақиқатан ҳам дарвоза чизиғидан ўтган ёки ўтмаганлигини аниқлаш мушкул эди). Ёрдамчи ҳакам эса голни инобатга олди.

Тўққизинчи жаҳон чемпионати Мексикада ўтказишга қарор қилинди. Чунки Мексикада 1968 йил Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Олимпиададан кейин эса Мексика жаҳон чемпионатларини ўтказиш имкониятига эга эди. Ушбу чемпионатдан бошлаб футболчиларни учрашувларда алмаштириш йўлга қўйилди. Бу чемпионатда Англия терма жамоасининг имкониятлари катта эди. Лекин уларнинг баланд тоғли мамлакатнинг шароитига, 37 даражали ҳароратга кўникиб кетишлари қийин бўлди ва бу нарса уларнинг ўйинларида яққол кўзга ташланди. Уругвай ярим финалга чиқди. Бразилия бошқа жамоаларга қараганда бу чемпионатда ўзини жуда кучли жамоа эканлигини кўрсатди ва учинчи бор жаҳон чемпиони бўлди. Олтин маъбуда Бразилияда қолди.

Дурдона АБДУВАҲОБОВА тайёрлади.

Билмайин босдим тиканни...

ХАТОЛАР КЕЛТИРГАН ХАТАРЛАР

Йўлдан адашмоқ учун атиги бир қадам ташлаш кифоя экан. Андижон шаҳрида яшовчи Гулноза Боймирзаева (исм-шарифлар ўзгартирилган) бир бор хатога йўл қўйиб, минг бир хатарга йўликди.

Гулноза коллежни тамомлаб, институтда ўқишни ихтиёр этди. Мақсади етук инсон бўлиш эди. Бироқ омад кулиб боқмади. Ўқишга кира олмаган қиз ота-онасига нима дейишини билмай, боши қотди.

– Сизга нима бўлди?

Гулноза нотаниш овоздан чўчиб тушиб, ёнида турган аёлга қаради.

– Боядан бери кузатаяпман, жимгина ўйга чўмгансиз, – сўзида давом этди аёл. – Бир гап бўлдими?

– Ўқишга киролмадим, – лаблари титраганча жавоб берди қиз.

Аёл мийиғида кулиб қўйди:

– Мен ҳужжатлар ёки пулингизни ўғирлатиб қўйгансиз, деб ўйлабман. Шунга ҳам ташвиш чекасизми. Менинг қизим ҳам киролмади, аммо парвойи палак. Келгуси йилгача яхшилаб тайёрлансангиз ажаб эмас, кириб олсангиз.

– Ота-онам келаси йилгача олиб ўтиришмайди. Турмушга бериб юборишади. Мен эса ўқишни истайман.

– Синглим мактабда ишлайди. Гаплашиб, фаррошликка жойлаб қўяман. Ҳам пол ювасиз, ҳам ўқишга тайёргарлик кўрасиз. Менинг уйимда яшайверасиз. Маош олган кунингиз ижара ҳақини тўлаб турсангиз кифоя. Ота-онангизга ўқишга кирдим, деб айтинг. Яхшилик учун қўлланилган ёлғоннинг айби йўқ. Нима дедингиз?

Гулнозанинг юраги ҳаприқиб кетди:

– Ишга кирсам яхши бўларди. Устозлардан билмаганларимни сўраб тураман. Вақти келиб шу мактабда ўқитувчилик қилишим мумкин.

Шу куни Гулноза Омадой исмли ўша аёл билан унинг уйига кетди. Омадой кўп қаватли уйда яшар экан. У ҳам, қизи Сарвиноз ҳам ҳеч қаерда ишламаслиги маълум бўлди. Хонадондаги муҳит Гулнозага маъқул келмаса-да, кўникишга мажбур эди. Акс ҳолда орзулари саробга айланади.

Гулноза ота-онасига ёлғон гапирди. Қизлари талаба бўлганидан қувонган содда одамлар уни дуо қилишди. Яхши тилаклар билдириб, оқ йўл тилашди. Қишлоқнинг беғубор кенгликларини ортда қолдирганча шаҳарга отланган қиз яхши билан ёмон, оқ билан қора, муҳаббат ва нафрат қоришиб кетган хонадонга кириб келди. Омадой рост айтган экан, у Гулнозани ишга жойлади.

Уйида супургини кўрса қоши чимириладиган қиз фаррошлик қилишдан орланмади. Тўғри, аввалига бироз қўниколмади. Ўзидан уч-тўрт ёш кичик ўқувчилару, ёш ўқитувчи йигитлар олдида пол ювишга озгина ийманди. Лекин орадан бир-икки ҳафта ўтгач, ҳаммаси изга тушиб кетди.

Гулноза биринчи маошини олган куниёқ Омадойга юзланди:

– Опа, ижара ҳақини бериб қўяй. Неча пул бўлади?

У аёл айтган пулни эшитдию, тошдек қотиб қолди.

– Нима? Шунча қимматми?

– Бу ҳали ҳаммаси эмас, – тушунтира бошлади уй соҳибаси. – Келганингдан бери қорнингни тўйғазаяпман. Унинг ҳақини ҳам тўлашинг керак.

– Лекин мен бунча пул беролмайман, – иккиланиб жавоб қилди Гулноза.

– Сен ҳам тўғри тушун. Бошинг қотиб, нима қилишингни билмай юрганингда асқотдимми-асқотдим. Буёғини сўрасанг, бирор жойда ишламасам, қизим Бокуга пул топиш учун кетган, бироқ ҳали бир сўм жўнатгани йўқ. Пулга зориқмасам сендан сўрармидим.

Хуллас, маошини тўлиқ Омадойга берган қиз пулсиз қолди. Бу ҳол ҳар ойда такрорланаверди. Аксига олиб, ана шундай кунларнинг бирида отаси уни излаб, институтга келди. Бу ерда қизи ўқимаслигини билгач, не ҳолга тушганини тасаввур қилаверинг. Бор гапдан воқиф бўлгач, Омадойни суриштирди. У қўшни уйда жойлашган хонадонида енгилтабиатли аёллар эркакларни қабул қилиши учун шароит яратиб берган экан.

– Шунча пайтдан буён қўшмачининг хонадонида яшаган қизнинг фаришталигига ким ишонади? Юзимни ерга қаратдинг. Сенинг борингдан йўқинг яхши, – деди у қизига.

Гулноза вазият бу қадар кескин тус олишини кутмаганди. Шу боис йиғлаб, отасининг оёқларига йиқилди, ялиниб-ёлворди. Лекин ота жаҳлидан тушмади. Қизнинг Омадойникидан бўлак борадиган жойи йўқ эди.

– Хафа бўлма, – уни юпатди аёл. – Пешонангга ёзганини кўрасан. Бу дунёда уйидан ҳайдалган бир сен эмассан. Кўп куйинма. Сенга тайинли маслаҳат берайми? Эрга тег! Эрга тегсанг у сени боқади, кийинтиради, ўқитади. Отангга келсак, бир кунмас-бир кун барибир кечиради. Унгача сен ҳаётингни изга солиб оласан.

Гулноза Омадойга яна ишонди. Аслида аёл уни кўзга кўринмас ришта билан ўзига боғлаб олаётганини тушунмас эди.

Омадой топган йигит Гулнозага маъқул бўлди. Ҳеч бир маросимсиз, никоҳсиз унга «турмушга чиқди». Йигит уни олти ой боқди, кийинтирди, келгуси йили ўқишга киритиб қўяман, деб ваъда берди. Гулнозанинг ҳомиладор эканлигини билгач эса сувга тушган тошдек ғойиб бўлди.

– Айб ўзингда, – қойиб берди Омадой. – Эрини ушлаб қололмаган хотин хотинми? Биласанми, у мендан қанча қарз эди. Ҳали олти ойлик ижара ҳақини бермаган.

– Ижара ҳақини ўзим тўлаяпманку? – илтижоли боқди Гулноза.

– Сенинг пулинг овқатга аранг етяпти. Қарзни сен тўлайсан. Акс ҳолда ички ишлар идорасига бориб, қилмишингни айтиб бераман.

Гулноза юм-юм йиғлаганча, яратгандан «эри» қайтиб келишини сўрар, аслида Омадой йигитдан қиз билан яшаб келиши учун шароит яратиб бергани учун яхшигина пул ундирган эди. Гулноза ҳомиладор бўлиб қолгач, уни бошқа қизга рўбарў қилганини шўрлик жувон хаёлига ҳам келтирмасди.

Гулноза қиз фарзанд кўрди. Унга Умида деб исм қўйди. Дунёдан неки умиди бўлса шу қизидан кутди.

– Эҳ-ҳе, қарзингни узиш учун умринг ҳам етмайди энди, – юзланди Омадой бир куни Гулнозага. – Энди нима қиламиз? Шу аҳволда яшаб юраверасанми? Бу билан иш битмайди. Сени қизимнинг олдига юбораман. У ёқда яхшигина ҳақ тўлашаркан. Ошхонада официант бўлиб ишлаб, ҳар ойда менга пул жўнатиб турасан. Шу тариқа қарздан қутиласан. Қизингга келсак, хотиржам бўл, уни ўзим боқиб тураман. Шундоқ ҳам итоаткор бўлиб қолган Гулноза чақалоғини аёлга қолдириб, Бокуга йўл олди.

Озарбойжонда уни Омадойнинг қизи Сарвиноз кутиб олиб. Ўзи ишлаётган ошхонага бошлади. Ошхона эгаси Гулсум исмли аёл экан. У Гулнозага обдон разм солди-да:

– Майли, иш бошлайвер, – деди.

Гулноза шу куниёқ ишга киришди. У қўли-қўлига тегмай идишларни ювар, ора-сира бошқа юмушларни ҳам бажарарди. Шу куни вақт алламаҳал бўлганда иш тугади. Шунда Сарвиноз уни ёнига чақириб, тушунтирди:

– Бу обрўли ошхона. Мижозлари кўп. Шунинг учун кўп ишлаш керак. Кечалари йигитларни қабул қиламиз. Хуллас, пул топиш учун нимани буюришса шуни бажаришга мажбурсан.

Гулноза бу жой ҳам фоҳишахона эканлигини англаб етди. У бегона юртда ўзини ночор ҳис этар, шу боис ким нима деса сўзсиз адо этишга мажбур эди. Гулсум деганлари пул учун ҳар қандай жирканч ишлардан орланмаса-да, кўл остидагиларга хизмат ҳақини ўз вақтида берарди. Гулноза топган пулини Омадойга юбориб турар, уни Сарвиноз назоратга олганди. Аёл Гулсумнинг қулига айланганини яхши биларди. Унинг паспорти, эрки, ҳуқуқи, ихтиёри, барчабарчаси ана шу қаттиққўл, қатъиятли аёл бошқарувида эди.

Рассом Муроджон Унгаров.

Кунларнинг бирида ошхонага ички ишлар ходимлари кириб келишди. Маишатпараст мижозлар оёғи куйган товуқдек типирчилаб қолишди. Хизматкор қизлар эса бўлимга келтирилди. Гулноза бу ерда беш кун қолиб кетди. Кейин қутилмаганда нотаниш бир йигит уни олиб кетди. Гулноза жимгина унга эргашди. Кўп қаватли уйларнинг биридаги хонадонга кириб боришгач, йигит ўзини таништирди.

– Менинг исмим Ясин. Сени Гулсумдан сотиб олдим. Кимлигингни, бу ерларда нима қилиб юрганингни яхши биламан. Шунинг учун хижолат бўлма. Хоҳласанг сенга уйланаман, хоҳласанг мана паспортинг, уйингга кетишинг мумкин. Менга ишонсанг бўлади, сенга ёмонлигим йўқ. Керак бўлса ота-онангдан розилик олиб, юртингда тўй ҳам қилиб бераман. Хўш, нима дейсан?

Гулноза унга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмас, юртига қайтиб кетай деса Омадойдаги қарзи эмин-эркин яшашга имкон бермаслигини яхши англаб турарди.

– Менинг қарзим бор, – деди у йигитга. – Бир аёлда болам ҳам қолган. Ишлаб беришга мажбурман.

– У аёл ким? – сўради Ясин.

– Омадой. Андижонда яшайди.

– Мени унинг олдига олиб бор. Қарзингни узаман. Болангни олиб келамиз. Фақат бир умр мен билан бирга яшашга сўз берсанг бас.

Гулноза учун шу тобда оила қуришнинг муҳимлиги эмас, балки Омадойдан қутилишни ўйлаш афзалроқ эди. Шу боис йигитнинг таклифини қабул қилди. Улар бирга Андижонга келиб, Омадойга учрашишди.

– Унинг қарзи 15 минг АҚШ долларига етди. Бунга қурбингиз етармикин? – деди аёл Ясинга.

Йигит аёлга сўралган пулни берди. Аёл пулни санаб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, уни ичкари уйга яшириб чиқди. Сўнг Гулнозага юзланиб деди:

– Ўн беш кун олдин бола касал бўлиб, ўлиб қолди. Хабар берай десам, Сарвиноз Гулноза эрга тегди. Энди унга бола керак эмас, деди.

Қизидан айрилганини эшитган Гулноза хушини йўқотаёзди. Ясин уни ўзи билан Озарбойжонга олиб кетди.

Ясин қўшма корхоналардан бирида ишларди. Гулнозани шу ерга фаррош қилиб жойлаб қўйди. Бор аламини ишдан олган аёл аста-секин котибалик, сўнг иш юритувчи вазифаларида ишлай бошлади. Энди у бир йигитнинг севимли ёри, жамоанинг ишончли вакилига айланганди.

– Омадой нега бизни қизингнинг қабрига бошлаб бормади? – деди бир кун унга Ясин. – У турли баҳоналарни қалаштириб ташлади. Балки қизинг тирикдир.

Ана шу шубҳа уларни яна Андижонга чорлади. Бу тилсимни еча олишмагач, ички ишлар бўлимига мурожаат этишди.

Андижон шаҳар ИИБ ходимлари томонидан олиб борилган суриштирув ишлари натижасида муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган Омадой Сотволдиева ҳақиқатан ҳам одам савдоси, қўшмачилик, фирибгарлик каби жиноятларни содир этгани аниқланди. У фоҳишахона сақлашдан ташқари қизи Сарвиноз Сотволдиева билан одам савдоси билан машғул бўлган. Турмуш ўртоғи Рустам Сотволдиев иштирокида фирибгарлик қилгани етмагандек ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш орқали ўзлаштирган. Андижонлик Гулноза Боймирзаевадан ундирилган пул эвазига уч хонали уй сотиб олгани, унинг уч ойлик чақалоғи Умида Боймирзаевани Фарғона вилоятида яшовчи Нозанин Ориповага сотиб юборганлиги ҳам ойдинлашди.

Омадой ва унинг шерикларига нисбатан муносиб жазо тайинланди. Гулноза Ясинга турмушга чиқиби. Энди у нафақат Умида, балки Фаёзнинг ҳам севимли онаси.

Хатолар ва хатарлар ортда қолди. Аммо бу каби ҳодисалар ҳамма вақт ҳам яхшилик билан тугайвермайди. Шу боисдан мўмай даромад ҳақида гап кетганда, унинг ортида турли маломатлар ҳам борлигини унутманг!

Нилуфар МЎМИНОВА,
майор.
Саминжон ҲУСАНЗОДА,
журналист.
Андижон вилояти.

Орият

Бугунги кунда фан ва техника жадал ривожланмоқда. Бундан 10-15 йил аввал ўз афзалликлари билан ҳаммани ҳайратга солган компьютер ва уяли телефонлар ҳозирги вақтда кундалик эҳтиёжимизни қондирувчи оддий воситаларга айланган. Шу билан бирга, мазкур воситалар айрим ҳолларда ҳаёсизликни тарғиб этувчи омил бўлаётгани ачинарли ҳолдир.

УЯЛИ ТЕЛЕФОНДАГИ ҲАЁСИЗЛИК

Ҳозирги кунда аксарият ўсмирлар қўлидаги уяли телефонларга мусиқа ёзиб бериш ва тасвир тушириш билан шуғулланаётган баъзи шохобчаларнинг компьютер хотирасида ҳаёсизликни тарғиб этувчи видеолавҳалар ҳам мавжудлиги аниқланмоқда. Порнографик мазмундаги асарлар, босма нашрлар, ашёларнинг тасвирлари, кино-видеофильмлар, кино-фото материалларни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш қонун билан тақиқланганлигига қарамай, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига ҳали-ҳануз чек қўйишнинг имкони бўлмаяпти.

Навоий вилояти ИИБ ҲООБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбир давомида Навоий шаҳри, 10-кичик туман ҳудудидаги бозорда жойлашган «Paynet» хизмат кўрсатиш шохобчасида ишловчи Б. Фурқат ўзининг «Нокия» русумли уяли телефони орқали порнографик мазмундаги роликни У. Жамиланинг «Нокия-2323» русумли уяли телефони хотирасига юклаб берганлиги аниқланди. Ҳуқуқбузарликни содир этиш воситаси бўлган «Нокия» русумли уяли телефон ашёвий далил сифатида олинди.

Шунингдек, Навоий шаҳридаги Марказий деҳқон бозорида жойлашган уяли телефонларга мусиқа ва сурат юклаб бериш кўчма шохобчасида хизмат кўрсатаётган И. Илёс 2000 сўм эвазига Т. Гулмиранинг уяли телефони хотирасига беҳаё тасвир туширгани маълум бўлди. Ундан «LG» русумли компьютер тўплами ашёвий далил сифатида олинди.

Ҳар икки ҳолат юзасидан жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди томонидан ҳуқуқбузарларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солиниб, компьютер тўплами давлат фойдасига мусодара қилинди.

Порнографик мазмундаги материалларни тарқатиш, томоша қилиш, намойиш этиш замирида инсонни ахлоқий бузуқлик, хиёнат, фаҳш, зўравонлик, қолаверса, ҳуқуқбузарликка бошлайдиган, киши тарбиясини бузадиган ёвуз куч яширинганини ҳаммамиз ҳам англаб етавермаймиз. Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, буюк мутафаккир Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, тарбия – биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё саодат, ё фалокат масаласи эканлигини унутмаслигимиз керак.

Садриддин ҲАМРАЕВ,
капитан.

Гиёҳвандлик – иллат

ЎҒИЛЛАРИН БОШИН ҲАМ ҚИЛДИ

Аёл учун оналикдан юксак бахт бўлмаса керак. Шу боис ҳам оналар азалдан ҳаётимиз гултожига ўхшатилади. Раънохон ҳам ана шундай бахт нашидасини суриши мумкин эди. Лекин афсуски...

Ғузор тумани Каттақишлоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Э. Раънохон ўрмон хўжалигида назоратчи котиба бўлиб ишларди. Ўз вақтида олинган маош, кези келганда раҳбарият томонидан кўрсатилаётган моддий ёрдам уни қаноатлантирмади. Оилавий эҳтиёжига топаётган даромади етмаётганини рўкач қилиб, олдиндан сақлаб келаётган гиёҳвандлик моддаси уруғини ҳовлисининг бир четига сепди. Ўсимлик униб чиққач уни астойдил парваришлай бошлади.

– Синглим, товуқхона олдига нима эккансан, товуқлар титиб ташлабди. Гул десам гулга ўхшамайди, ҳиди бирам бадбўй экан, – деди Раънохон билан бирга яшаётган опаси.

Раънохон унинг гапини эшитгач қилаётган ишини ҳам ташлаб, товуқхона томонга югуриб кетди. Опаси унга эргашди.

– Буларга қараб қўйсангиз бўлмайдими. Яшшамагурлар ҳаммасини пайҳон қилиб юборибди-ку, – жиғибийрон бўлган Раънохон опасига ўшқира кетди. – Биласизми, бу гиёҳларнинг грамми фалон сўм туради. Кечаю кундуз тинмай ишласам ҳам бунча пул тополмайман. Шунинг учун буларни эҳтиёт қилишимиз керак.

Орадан вақт ўтган сайин ўсимлик бўй чўза бошлади. Раънохон уларга боқиб, ўзича алламбалоларни хомчўт қиларди. Шундай кунларнинг бирида уйига тўсатдан ИИБ ходимлари кириб келишди. Уларни кўрган Раънохоннинг ҳуши бошидан учди. Тезроқ гиёҳларни йўқ қилиш керак, бўлмаса уларни кўриб қолишади, деган ўйда товуқхона томонга югуриб кетди. Лекин энди кеч бўлганди.

Раънохон қонунга хилоф равишда ўстирган, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган 3 туп ўсимликнинг оғирлиги 824 грамм эканлиги аниқланди.

Бундан ташқари, холислар иштирокида унинг уйи кўздан кечирилганда 3,11 грамм марихуана, уни жойлаштириш учун 37 дона бўш гугурт қутиси ва 4 дона ўқ-дорини сақлаб келаётгани маълум бўлди.

Э. Раъно ўз қилмиши билан аёл деган номга доғ туширибгина қолмай, икки нафар ўғлининг бошини ҳам қилди.

Ж. ҲАЙИТОВ,
катта лейтенант.
М. ҚЎЙЛИЕВА,
журналист.
Қашқадарё вилояти.

Республика ИИВ Тиббиёт бошқармаси ва вазирлик тизимидаги барча тиббиёт ходимлари ИИБ Тиббиёт бошқармаси бош мутахассис-шифокори Абдурахмон Абдуқодировга онаси
МАЪМУРА аянинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этадилар.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши, Бухоро шаҳар ИИБ ЙҲҲБ бошлиғи, майор Ашраф Рўзиевга ўғли
АНВАРнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби Нукус шаҳар ИИБ ЙҲҲБ бўлинма бошлиғи, капитан Баҳодир Султановга отаси
Жолдасбай СУЛТАНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ЙҲҲБ ҳузуридаги 3-туманлараро рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлинмаси инспектори, катта сержант
Исрофил ХУДОЙБЕРДИЕВнинг
бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирадилар.

БОЛАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

2010 йилнинг 27 март куни Тошкент вилояти ИИБ ҲООБ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига Чирчиқ шаҳар ИИБ ВЕЁҲООГ ходимлари томонидан катталарнинг назоратисиз юрган, тахминан 7-8 ёшлардаги, рус миллатига мансуб ўғил бола олиб келинган. Ўзини **Данил Власов** деб таништирган. Унинг айтишича, онаси **Марина Анатольевна Власова** 2008 йилнинг 18 май куни вафот этган.

Белгилари: бўйи 95-100 см, сочи сариғиш, кўзлари оч жигарранг.

Кийимлари: сариқ жемпер, кўк жинси шим, қора ботинкада бўлган.

Боланинг яқинлари Тошкент вилояти ИИБ ҲООБ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин.

Мурожаат учун тел: 2-40-11, факс: 2-13-28.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Андижон шаҳар ИИБ томонидан қуйидаги шахслар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.

Мавлюдахон Маҳмуджоновна Аҳмедова. 1988 йилда туғилган. Андижон шаҳар Г. Ҳакимов кўчаси, 362-уйда яшаган. 2007 йилнинг 10 март куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, сочи, қошлари қора, кўзлари жигарранг.

Кийимлари: "Титаник" сурати туширилган кулранг футболка, қора гулли шим, оқ-қора рўмол, қора туфлида бўлган.

* * *

Одина Зоҳидовна Содиқова. 1981 йилда туғилган. Андижон шаҳар Махжурий кўчаси, 170-уйда яшаган. 2007 йилнинг 20 март куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, сочи, қошлари қора, кўзлари жигарранг.

Кийимлари: қизил рўмол, қора вилюр кўйлак, қизил шиппакда бўлган.

Алоҳида белгиси: жаг тепа қисмида 8 дона тиши сариқ металлдан.

* * *

Нурулло Лутфуллаевич Сотволдиев. 1972 йилда туғилган. Андижон шаҳар К. Яшин кўчаси, 5-уйда яшаган. 2005 йилнинг 30 июнь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, сочи, қошлари, кўзлари қора.

Кийимлари: оқ кўйлак, кулранг шим, қора туфлида бўлган.

* * *

Вячеслав Витальевич Архипов. 1962 йилда туғилган. Андижон шаҳар Мусаев кўчаси, 62-уйда яшаган. 2009 йилнинг 28 декабрь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 175-180 см, сочи, қошлари сариқ, кўзлари кўк, қулоқлари катта.

Кийимлари: қора дублёнка, қора чарм шапка, тўқ кўк шим, кулранг жемпер, оқ футболка, қизил ёзувли, оқ-кўк рангли кроссовкада бўлган.

* * *

Бахтиёр Баҳодиржон ўғли Абдуқодиров. 1990 йилда туғилган. 2010 йилнинг 25 январь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 150-160 см, сочи, қошлари, кўзлари қора.

Кийимлари: қора куртка, жигарранг жемпер, тўқ сиёҳранг шим, қора кулранг йўлли шапка, қалишда бўлган.

Алоҳида белгилари: руҳий касал, ўзи ҳақида маълумот бера олмайди.

Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Андижон шаҳар ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани ИИБ томонидан жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган қуйидаги шахслар қидирилмоқда.

Камариддин Ҳамроқулович Маматқулов. 1975 йилда туғилган. Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси Меҳнат кўчаси, 9-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 175-180 см, сочи, кўзлари, қошлари қора, лаблари ингичка.

* * *

Улуғбек Раҳматуллаевич Қодиров. 1977 йилда туғилган. Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси Ойбек кўчаси, 1-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 175-180 см, сочи, кўзлари, қошлари қора, лаблари ингичка.

* * *

Шерали Эрдонович Аҳмедов. 1976 йилда туғилган. Каттақўрғон тумани Қоракулча қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 175-180 см, сочи сийрак, кўзлари, қошлари қора, лаблари ингичка.

* * *

Муқаддас Ёқубовна Низамитдинова. 1951 йилда туғилган. Тошкент вилояти Бекобод туманида яшаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, сочи, қошлари, кўзлари қора, лаблари қалин.

* * *

Шерали Жунайдуллаевич Бозоров. 1979 йилда туғилган. Каттақўрғон тумани Чиғатой қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 175-180 см, сочи, қошлари, кўзлари қора, лаблари ингичка.

* * *

Шерзод Жунайдуллаевич Бозоров. 1977 йилда туғилган. Каттақўрғон тумани Чиғатой қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 175-180 см, сочи, кўзлари, қошлари қора, лаблари ингичка.

* * *

Эргаш Аскарович Эшов. 1968 йилда туғилган. Каттақўрғон тумани Янгиқўрғонча қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 175-180 см, сочи, кўзлари, қошлари қора, лаблари ингичка.

* * *

Нодирбек Шоназарович Саимназаров. 1984 йилда туғилган. Каттақўрғон тумани Янгиқўрғонча қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 175-180 см, сочи, кўзлари, қошлари қора.

* * *

Маҳмуд Мардонович Турсунов. 1971 йилда туғилган. Самарқанд тумани Рустам маҳалласида яшаган.

Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Самарқанд вилояти ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Тинчлик, – дейди бутун халқ...

ЎҒЛИМ, СИРА БЎЛМАЙДИ УРУШ!

Тўлишарми ўлкада баҳор,
Қуёш кезар осмон кўксида.
Қалдирғочлар қанотми қоқар,
Ундан соя лаби устида.

Мана, ўғлим лаби устида
Қалдирғочнинг майин қаноти.
Ўспириним тоза кўксида,
Кунда ошар янги ҳис тоти.

Бўйи ошиб кетди бўйимдан,
Боса олар кўксига бошим.
Севгим қуриб берган уйимда
Ўсди менинг катта йўлдошим.

Юрак тўла шодлик, меҳр, бахт,
Унинг кўзларига боқаман.
Нигоҳидай тиниқ ва ёрқин
Орзу тўлқинида оқаман.

Орзулари қалбимга зийнат,
Ҳаётидир кўзим қораси.
Ўқинаман, баъзида фақат,
Ёнида йўқ унинг отаси.

Уруш! Номинг ўчсин жаҳонда,
Ҳамон битмас сен солган алам.
Сен туфайли кўп хонадонда
Ота номли буюк шодлик кам.

Юлдинг ота демак бахтини,
Жуда мурғак гўдакларимдан.
Яхши ҳам бор шундай Ватани,
Далда бўлди юракларимга.

Ота бўлиб солдим мен йўлга,
Она бўлиб меҳримга олдим.
Мана, юртга ўғил ўстирган
Бир давлатманд бой бўлиб қолдим.

Қанча ишонч, умид бахш этар,
Ҳам Ватанга, ҳам менга бу дил.
Қоя каби ёнимдан чиқиб,
Суян, – дейди, – кифтимга дадил.

Мен онаман, менинг юрагим
Фарзандларим қувончига кон.
Дил орзиқар, баъзан тилагим,
Ваҳималар ўраган замон:

Йўқ, урушнинг номи ҳам ўчсин,
Менинг ўғлим керак ҳаётга.
Истамайман, унинг дудлари
Кўнсин лаби узра қанотга.

Бас, бас, эзгу оналар қалби
Яшай олсин бехавф, бахт билан.
Меҳнатимиз, ғазаб, севгимиз:
– Тинчлик, – дейди бутун халқ билан.

Кўкрак сути ва меҳнат билан
Биз жаҳонга берганмиз турмуш.
Она қалби оёққа турса,
Ўғлим, сира бўлмайди уруш!

ЗУЛФИЯ,
Ўзбекистон халқ шоираси.



НИДО

(достондан парча)

Ҳайқираман, тоғлар бағридан
Гумбурлаган садо келади,
Она ернинг оташ қаъридан
«Ўғлим»! деган нидо келади.

«Ўғлим»! вужудимни чулғар аланга,
Бўғзимга тиқилар ҳаяжон.
– Мана мен, ўғлингиз, дардли оламга
Сиздан танҳо ёдгор, сўйланг, отажон!

Сўйланг, бир дақиқа қулоқ солайин,
Овозингиз тинглаб тўйолмаганман.
Бир марта йўқотиб тополмаганман,
Хаёлимда тиклаб олайин, Отажон!

Мен ахир қутлуғ бу сўзни
Йигирма йил олмадим тилга,
Йигирма йил сақладим дилда.
Армонли ўғлингиз тинглайди сизни,

Сўйланг, эшитаман. Вужудим тилка,
Юрагимни ёқар ўтли изтироб,
Аммо кўзларимда бир парча ёш йўқ.
Бағрим ўйиб, бу кун менга бермокда азоб

Сизни кўксингизни тешган қора ўқ.
Силқиб оқаётир кўксимдан қон.
Қалбим ўртамоқда сўнгсиз армоним...
Юрак қоним билан битган достоним.
Сизга бағишладим...

Олис соҳилларда, уфқдан нари
Ўлим сочмоқдадир ёв қузғунлари.
Ўлим сочмоқдадир элга беаёв.
Шаҳар, қишлоқларни ютмоқда олов.

Ўша олис юртда қон кечиб ҳозир
Отанг ҳаёт учун жанг қилаётир.
Элларни эрк деган соф тилаги деб,
Жаҳоннинг нурафшон келажаги деб,

Офат солмасин деб оламга қотил,
Отанг узоқ юртда жанг қилаётир.
Сен учун, мен учун, ўзи учун эмас,
Фақат ўзбек ва ё рус учун эмас,

Бутун ер – ундаги бор авлод учун,
Дунёда энг қутлуғ эътиқод учун
Узоқ ўлкаларда қон кечиб ҳозир
Отанг ҳаёт учун жанг қилаётир
Сен ухла, ёлғизим, сен ухла, кўзим,
Бир нафас ором ол, кўзлариигни юм!

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири.

АЁЛ

Йигитлар мактубин битганда қондан,
Келинлар фирокдан чекканда ёху,
Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан,
Ўн тўққиз ёшида бева қолди у.

Севгидан етиму умрдан ярим,
Куриган кўксида ёлғиз беланчак,
Абадий фироқни, ҳайҳот, дўстларим,
Абадий висол деб билди келинчак.

Қақраган лабларда оловли нафас,
Кечалар кечмишин айлади кўмир.
Паришон сочлари ёр кўкси эмас,
Муздайин болишда қолди бир умр.

Йиллар ҳам ўтдилар, ҳамон у ёлғиз,
Мунгайиб термулар ботгувчи кунга.
Эй номард табиат, борми сенда ҳис,
Қайтадан бахт берсанг бўлмасми унга?!

Наҳот ишқ қисмати бунча берахм,
Бунчалар буюксан вафо шеваси.
Сенгадир хурматим, сенга шарафим,
Қаҳрамон жангчининг содиқ беваси.

Сиз-чи эй, садоқат сатридан нолиб,
Надомат комида қолганлар, айтинг.
Ўзини минг битта бозордан олиб,
Минг битта бозорга солганлар, айтинг.

Шу чўлпон кўзларнинг буюк хурмати,
Шу ақиқ лабларнинг рост сўзи дея,
Сўйланг-чи, вафонинг надир қиммати,
Сиз ҳам кутганмисиз бирор сония?!

Баъзида тирноқлар безаги учун
Саҳардан шомгача қилурсиз тоқат.
Бироқ ёрингизни кутгали нечун
Топилмас тирноқча сабру қаноат.

Назокат пайтимас, яқинроқ келинг,
Буюк зот қошида айлангиз салом.
Шу содиқ бевага саждалар қилинг,
Шу содиқ бевага айланг эҳтиром.

Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда,
Ҳайкал ҳам кўйингиз бамисли хаёл.
Шундайлар бўлмаса агар дунёда,
Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири.

DIQQAT, TEST!

TARIX FANIDAN TESTLAR

(Davomi. Boshlanishi o'tgan sonlarda).

269. Xamurappi qonunlariga ko'ra arxitektor qurgan uy to'satdan yiqilib, biror kishini bosib qolsa, arxitektorni nima qilishgan?
a) olovga tashlashgan
b) o'ldirishgan
c) panjalarini kesishgan
d) hech narsa qilishmagan

270. Xamurappi qonunlariga ko'ra qarzni vaqtida bermagan kishi, o'z oila a'zolarini qarz bergan kishiga qancha muddatga qullikka berishi shart edi?
a) 4 b) 3
c) 2 d) 1

271. Xamurappi qonunlariga ko'ra ayblanuvchi jabrlanuvchining ko'ziariga jarohat yetkazgan bo'lsa, uni nima qilishgan?
a) olovga tashlashgan
b) o'ldirishgan
c) panjalarini kesishgan
d) o'zi ham shunday jazolangan

272. Xamurappi qonunlariga ko'ra yong'in paytida o'g'rilik ustida qo'lga tushgan kishiga nima chora ko'rishgan?
a) olovga tashlashgan
b) o'ldirishgan
c) panjalarini kesishgan
d) o'zi ham shunday jazolangan

273. Xamurappi qonunlariga ko'ra qulfbuzar o'g'riga nisbatan qanday jazo qo'llangan?
a) olovga tashlashgan
b) o'ldirilgan
c) panjalarini kesishgan
d) o'zi ham shunday jazolangan

274. Xamurappi deyarli necha yil davomida qo'shni mamlakatlarga yurishlar qildi?
a) 40 b) 35
c) 30 d) 25

275. Xamurappi vafotidan keyin Bobil yana necha yil davomida poytaxt bo'lib qoldi?
a) 150 b) 140
c) 130 d) 120

276. Xamurrappi vafotidan keyin Bobilni kimlar bosib oldi?
a) giksoslar b) kassitlar
c) misrliklar d) ahamoniylar

277. Qachon Yangi Bobil podsholigi vujudga keldi?
a) mil. avv. X asrda
b) mil. avv. IX asrda
c) mil. avv. VIII asrda
d) mil. avv. VII asrda

278. Kimning hukmronligi davrida Bobil o'z ravnaqi cho'qqisiga erishdi?
a) Navuxudonosir II b) Yaxmos
c) Xamurappi d) Salavka

279. Kim Misrni Yangi Bobil podsholigiga qo'shib oldi?
a) Navuxudonosir II b) Yaxmos
c) Xamurappi d) Salavka

280. Kim Iyerusalim (Quddus)ni vayron qildi?
a) Navuxudonosir II b) Yaxmos
c) Xamurappi d) Salavka

281. Kim turar joy binolari va mudofa devorlarini qurishda pishgan g'ishtni ishlatish to'g'risida farmon chiqardi?
a) Navuxudonosir II b) Yaxmos
c) Xamurappi d) Salavka

282. Navuxodonosir II hukmronligi davrida Bobilning nechta darvozasi bo'lgan va eng chiroylisi qaysi darvoza bo'lgan?
a) 7; Ishtar b) 8; Ishtar
c) 6; Sina d) 8; Shamash

283. Qachon Bobil eronliklar tomonidan bosib olindi?
a) 551-yil b) 546-yil
c) 525-yil d) 539-yilda

284. Forslarni Bobildan kim haydab chiqargan?
a) Yaxmos b) Sezar
c) Salavka d) A. Makedonskiy

285. Aleksandr o'lgandan keyin Bobil qaysi davlat tarkibiga kirdi?
a) Makedoniya b) Salavkiylar
c) Misr d) Eron

286. Shumer mixxati qachon vujudga keldi?
a) mil. avv. II mingyillikda
b) mil. avv. III mingyillikda
c) mil. avv. IV mingyillikda
d) mil. avv. V mingyillikda

287. Bobilda o'quvchilar qotmagan loy taxtachalarga nimalar bilan yozishgan?
a) qilqalam
b) stiks
c) tosh qalam
d) suyak va yogh'ochdan yasalgan tayoqchalar

288. Loy taxtachalarga o'quvchilar nimalarni ko'chirib yozishgan?
a) qarg'ishlar va munojatlarni
b) ertaklar va afsonalarni
c) marosimlar va qarg'ishlarni
d) asotir va afsonalarni

289. Qachon Mesopotamiyada turli-tuman dori-darmonlarni tayyorlash bo'yicha dasturilamal tuzilgan?
a) mil. avv. II mingyillikda
b) mil. avv. III mingyillikda
c) mil. avv. IV mingyillikda
d) mil. avv. V mingyillikda

290. Geografiya sohasidagi bilimlar shumerliklar va bobilliklarga qayergacha suzish imkoniyatini bergan?
a) Fors ko'rfazi va Arabiston dengizi qirg'og'i
b) Qora dengiz va O'rta Yer dengizi
c) Fors ko'rfazi va Qora dengiz
d) O'rta Yer dengizi va Arabiston dengizi qirg'og'i

(Davomi bor).

Tuzuvchi T. ESHONOV.

AVVALGI SONDA BERILGAN TEST SAVOLLARINING JAVOBLARI:
246 - d, 247 - d, 248 - a, 249 - a, 250 - c, 251 - d, 252 - d, 253 - a, 254 - a, 255 - b, 256 - b, 257 - b, 258 - b, 259 - b, 260 - c, 261 - d, 262 - d, 263 - b, 264 - a, 265 - b, 266 - c, 267 - c, 268 - c.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

ҚИММАТЛИ МАНБА

Китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётган «Ўзбекистон юридик энциклопедияси» Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича Кенгаш ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида тузилган ишчи гуруҳ томонидан Тошкент давлат юридик институти ва бошқа юридик таълим ҳамда илмий муассасалар олимларининг ҳаммуаллифлигида тайёрланди. Унда соф юридик атамалардан ташқари сиёсатшунослик, иқтисодиёт, маданиятшунослик ҳамда урф-одатларга тааллуқли баъзи атамаларнинг ҳуқуқий жиҳатларини изоҳлаш ҳам назарда тутилган.

Ушбу энциклопедия 3300 га яқин юридик атамани ўзида жамлаган бўлиб, амалий қўлланма сифатида, шунингдек, кундалик ҳаётда ижтимоий, сиёсий, маънавий, маърифий воқеликларга ҳуқуқ нуқтаи назаридан баҳо беришда маълумотнома тарзида фойдаланиш учун ҳуқуқшунослар, давлат ҳокимияти органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг мутахассис ходимлари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалари ва ўқувчилари ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ЎЗБЕКИСТОН ЮРИДИК ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

«Ўзбекистон юридик энциклопедияси»даги изоҳлар юридик фан ва амалиётда қабул қилинган таъриф ва фикрларга асосланган. Айрим изоҳларда амалдаги қонун ҳужжатларидан кўчирмалар келтирилган.

Ушбу қомусий луғат нафақат ҳуқуқшунослар, суд-ҳуқуқ соҳасига қизиқувчилар, балки ўз ҳуқуқий маданияти ҳамда ҳуқуқий онгини ривожлантиришни истаган ҳар бир фуқаро учун ниҳоятда қимматли манба бўлиши шубҳасиздир.

Темир ҚУРБОНОВ,
подполковник.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги нашрлари «POSTDA», «НА ПОСТУ» газеталари ҳамда «QALQQN», «ЩИТ» журналларига 2010 йилнинг иккинчи ярми учун обуна бошланди.

Вазирлик нашрлари ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолиятларини ёритишда ва уларни халқ билан яқинлаштиришда катта аҳамият касб этмоқда. «Маърифат дарси» ва «Сиёсий-ижтимоий сабоқ» рукнларида чоп этилаётган мақолалар осойишталик посбонларининг касб маҳорати, ҳуқуқий ва маънавий савиясини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Муштарийларнинг таклиф-мулоҳазалари асосида газета-журналлар мазмундорлигини оширадиган янги рукнлар ташкил этилди. Нашрларимиздан ўрин оладиган жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи қайдлари, суд очерклари ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотади деб ўйлаймиз.

Нашрларимиз шунингдек, фарзандларингизни қонунга ҳурмат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Сиз азизларнинг манфаатларингизни кўзлаб, обуна нархлари оширилмади. Армонда қолмай десангиз, обуна бўлишга шошилинг!

Обунани уюшқоқлик билан ташкил этган энг фаол ҳамкорларимизни мукофотлар кутмоқда.

ИНДЕКСЛАРИМИЗ:
«Postda» 180 (366) «На посту» 169 (367)
«Qalqon» 970 (1083) «Щит» 971 (1084)

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгусиҳафтаучун

ҚУЙ.
Юлдузлар бу ҳафтани саломатликни сақлаш, мустаҳкамлаш ва даволанишга бағишлаш лозимлигини уқтиряпти. Арзимас туюлган оғриқ, ўзини ёмон ҳис этишни писанд қилмаслик сурункали жиддий касалликка айланиши мумкин. Шифокорга мурожаат этмай, ўзбилармонлик қилиш ҳам оғир оқибатларга олиб келишини унутманг. Ҳафтанинг биринчи ярмида даромад ва харажатларни таҳлил қилиб олган маъқул.

СИГИР.
Ҳафта давомида шахсий ва ишқий муносабатлар кўнгилдагидек бўлмаслиги мумкин. Дўстлар билан кўнгилочар тадбирларга боришдан кўра, ҳамкорликда ижодий фаолият билан шуғулланиш, бир-бирингизни яқинроқ билиш кабилар фойдалироқ бўлади. Янги режалар тузиб олиш учун ҳам имкон туғилади. Муносабатингизни таҳлил этиб, яхши-ёмонни ажратиб олишга ҳаракат қилинг, натижасидан хурсанд бўласиз.

ЭГИЗАКЛАР.
Юлдузлар бу ҳафтада оилада қизғин ҳолат сақланиб қолишидан дарак берянти. Янги режалар яқин кишилар томонидан қўллаб-қувватланиши мумкин. Режа пишиқ-пухта, узоқни кўзлаб тузилган бўлиши лозим. Охирги, ҳал қилувчи қарор қабул қилишга шошилмаган маъқул. Ҳафтанинг биринчи ярмида ўтган йиллардаги фаолиятни эсга олиб, таҳлил этсангиз янги режа тузишда асқотади.

КИСКИЧБАКА.
Бу ҳафтада узоқ ёки яқин жойларга саёҳатга чиқмай туришни маслаҳат берамиз. Ўз фикрингизни исботлаш учун уринмай, бошқалар таклифига қўшилган маъқул. Кўп янгиликлардан воқиф бўлишингиз мумкин. Аммо текширмай, аниқламай ишонавериш ҳам ярамайди. Кўпдан бери кўришмаган қадрдонлар, танишлар билан учрашиб, дийдорлашиб, дилкаш суҳбат қуриш имконияти бўлиши эҳтимоли бор.

АРСЛОН.
Ҳафта давомида молиявий масалаларда келишмовчилик юзага келиши мумкин. Ўзгаларнинг пулини сарфлаб, даромадни кўпайтириш хаёлига чулғаниб қолмасдан, ўз маблағингизни ўртага ташласангиз фойдали бўлишини унутманг. Чунки ўзганинг пули буюрмайди. Таваккал ишни ҳам ўз пулингиз ҳисобидан амалга оширишни маслаҳат берамиз. Бу молия соҳасида янги тажриба ва сабоқ бўлади.

БОШОК.
Шахсий муносабатларда қийинчиликлар туғилиши мумкин. Турмуш ўртоғингиз билан келишмовчилик чиқишига йўл қўйманг. Ўзингизни доим ҳақ деб ҳисоблашингиз нотўғри. Эркинлик ва ҳақ-ҳуқуқнинг моҳиятини тушуниб, кейин қарор чиқарганингиз маъқул. Ҳалол ва очиқ-ойдин бўлиш инсоннинг ишончли ҳамкори эканини унутманг. Шерикларга ишонишда хато қилмаслик керак.

ТАРОЗИ.
Ҳафта давомида саломатлигингизга жиддий эътибор бериш лозим. Сурункали касалликларни даволатишни ортга суриш ярамайди. Асорати ёмон бўлган касалликлардан эҳтиёт бўлинг. Шу боис имкони борича даволанишни бошлаш ва якунига етказишга ҳаракат қилинг. Яна ҳафта давомида тўғри ва дадил қарор чиқариш лозим бўлади. Бунда тажриба ва билимни ишга солинг. Аввалги хатоларни ҳисобга олинг.

ЧАЁН.
Қутилмаганда пайдо бўлган айрим муносабатлар барча режаларни барбод қилиши мумкин. Вазиятга тўғри баҳо бериш, оқилона қарор чиқариш бошқаларни жабрланишдан сақлайди. Ҳафтанинг биринчи ярмида аввалдан қолиб келаётган муаммоларни ҳал этиш, шахсий муносабатларни мустаҳкамлаш учун қулай бўлади. Янги туғилган масаланинг ечими ижобий бўлиши учун тажрибани ишга солган маъқул.

ЁЙ.
Юлдузлар оилангизда кутилмаган воқеа бўлиши эҳтимоли борлигидан дарак берянти. Бу айрим режаларни амалга оширишда халақит қилиши мумкин. Лекин вазиятдан чиқиб кетиш учун имконият топишга ҳаракат қилишдан ортга чекинманг. Ҳафтанинг биринчи ярмида ишда ўзингизни кўрсатиш, обрў, мавқени мустаҳкамлаб олиш имконияти туғилади. Эски хаталарни қайтаришдан эҳтиёт бўлинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ.
Сафарга чиқиш, саёҳатга бориш ҳафтанинг муҳим мавзусига айланади. Қисқа саёҳатлар кўнгилли ўтиши мумкин. Аммо узоқ сафарга чиққанда кутилмаган воқеаларга дуч келиш эҳтимолдан холи эмас. Дунёқарашни ўзгартириб юборадиган янги ахборотларга тўқнаш келишингиз кутилмоқда. Маълумотларни аниқлаб, ишонч қозонмагунча шошилмай турган маъқул. Ўзингиз севган иш билан шуғулланишни давом эттиринг.

ҚОВҒА.
Бу ҳафтада шахсий пулларни сарфлашда тежамкорликка эътибор қаратинг. Бу масалани эркин ҳал этишга одатланиш ва маблағни кўпайтириш имкониятининг янги қирралари очилиши кутиляпти. Пулни бекорга сарфлашнинг фойдаси йўқлигини эслатиб, яхшиси банкда сақлаш, акциялар сотиб олган маъқул. Бу сизга хотиржамлик ва маблағни кўпайтиришга кафолат бўлади.

БАЛИҚ.
Юлдузлар бу ҳафтада кўп жиҳатдан мустақил бўлишга интилиш кучайишидан дарак берянти. Аммо айрим масъулиятлар бунга ҳалақит бераётгандек туюлиши мумкин. Шериклар ёки турмуш ўртоғингиз томонидан ҳам эркинлик чеклангандек кўринади. Аслида эса бундай эмаслигини ҳаётга синчков назар солиб, тўғри хулоса чиқариб олсангиз тушуниб етасиз. Бунда сизда имконият куч-қувват етарли эканини эслатиб ўтамиз.

ISSN 2010-5355
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI
MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir Zikrillo NE'MATOV
Bosh muharrir o'rinbosari – Qobiljon SHOKIRQV
Mas'ul kotib – Rahmatilla BERDIYEV
Navbatchi – Guli Nigor AVAZOVA
Sahifalovchi – Zokir BOLTAYEV
Matn ko'chiruvchi – Guinora SODIQOVA

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88;
Faks: 232-05-51.
E-mail: urmvd@inbox.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №J-9342. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 62247 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.